

Шавкат Раззоқов

Оила

(Ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан)



Аёл ўзига танқидий кўз билан қарайди,
ҳамиша ўз устида ишлаб, камолотга
интилиб яшайди

Эркак ҳамиша рақобатга
курашга интилади



Аёллар ўзлари қадрлайдиган одамларга
нисбатан кечиримли бўлишади



Эркакларнинг ўзига берадиган баҳоси
тўғридан-тўғри ўз ютуқларига боглиқ бўлади



Шавкат РАЗЗОҚОВ

ОИЛА

(Ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан)

Тошкент – 2010
«Vektor-Press»

Ушбу китобни нашрдан чиқаришда яқиндан ёрдам берган Саъдулла Матёкубов, Клара Джумамуратова, Аллаберган Матёкубов, Машарип Атажанов, Арслон Қаландаров ва Илҳом Раҳимовларга ишчи гуруҳи номидан самимий миннатдорчилик билдирамыз.

Тақризчилар:

- Р. Суннатова** – психология фанлари доктори, профессор;
Д. Рахимов – Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси.

Шавкат Раззоқовнинг мазкур китоби ҳаётдаги муҳим мавзулардан бири – оила, оила устуни бўлмиш эркак ва аёл муносабатлари, оила қуриш каби муҳим мавзуларга бағишланган.

Китоб ҳазил-мутойиба тарзида ёзилган бўлиб, турли зериктирадиган «панд-насихатлар»дан йироқ бўлгани сабабли китобхонларимиз эътиборини қозонишига умид қиламыз.

Раззоқов Ш.

Оила (Ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан). – Т.: «Vektor-Press» нашриёти, 2010. – 96 б.

Оила гўё денгиз кемасига ўхшайди. Уни денгизга чиқаришга шай бўлиб турган кема сардори, турган гапки, ўзининг ва гуруҳ аъзоларининг вазифаларини жуда яхши билиши керак. Бундан ташқари, қаерда сувости қоялари ёки саёз жойлар борлигини ҳам, қолаверса, қандай қилиб кемани каламушлардан ва ўз аъзоларини дизентериядан сақлаш мумкинлигини ҳам билиши керак бўлади. Акс ҳолда кема ўз манзилига етолмайди.

Сиз ўз кемангизни ҳаёт уммонига чиқаришга тайёرمىсиз?...

ДИҚҚАТ! Огоҳлантириш!

Китобни сотиб олишга шошилманг, аввал ўйлаб кўринг. Китобда муаллифнинг битта ҳам ўз фикри йўқ, ҳаммаси оила мавзусига бағишланган кўпдан-кўп психологик, фалсафий, адабий ва тарихий китобларнинг энг яхшиларидан кўчириб олинган. Лекин муаллиф бу соҳаларнинг мутахассиси бўлмаганлиги туфайли ҳар бир фикрни ўзича саралаган, ўзича талқин қилган ва улардан ўзича хулоса чиқарган.

Китобнинг боши ҳам йўқ, охири ҳам... Худди сериалларга ўхшаб, қайси мавзу нима билан тугашини муаллифнинг ўзи ҳам билмайди. Бундан ташқари китобда биронта ҳам янгилик тополмайсиз. Сиз бу «гапларнинг» ҳаммасини жуда яхши биласиз, лекин китобни ўқиганингиздан кейин бор билимингизни ҳам йўқотишингиз ва шу туфайли, ўзингизники камлик қилгандай, яна бир бош оғриғи орттириб олишингиз эҳтимолдан холи эмас.

Ана энди ўзингиз биласиз...

Ҳурмат билан, муаллиф

Нима учун одамлар оила қурадилар?



Ғалати савол. Лекин саволнинг жавоби ундан ҳам ғалати:

– Оилани ўзидан зурриёт қолдириш учун қуришади.

Табиат эркак зотига ҳам, аёл зотига ҳам айнан шу вазифани юклаган.

Хўш, бу вазифани бажариш учун оила қуриш шартмикан? Ахир... «Худо бераман деса, бераверар экан, бой ота...» Қолаверса, одамдан ташқари барча тирик жонзотлардан ҳам зурриёт қолади, лекин улар оила қурмайди-ку?

Нима учун жониворлар оила қурмайдилар?



Агар уйингизда сигир, қўй, товук, ит ёки мушук бўлса, демак сиз ҳеч бўлмаганида бир марта уларнинг зурриётини кўргансиз.

Бузоқ ёки қўзичоқ туғилганидан кейин узоғи билан 10–15 дақиқа ўтар-ўтмас оёққа туради, бир соатдан кейин

тентираклаб юра бошлайди.

Жўжа эса тухумдан чиққан заҳоти оёққа туриб, югуриб кетади.

Йиртқичлар қаторига кирмайдиган ёввойи ҳайвонлар зурриёти ҳам худди шундай «чаққон» бўлиб, дун-

ёга келади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Масалан, кийик ёки ёввойи тўнғиз болалаганидан кейин ит, бўри ёки қоплонга ўхшаб ўз боласини оғзига қисиб, бошқа йиртқичлардан сақлаш учун панароқ жойга олиб қочолмайди. У эндигина дунёга келган боласини фақат ўзига эргаштириб, хавфсиз жойга олиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳайвонот оламининг зурриёти тез оёққа туриб юриб кетади. Бошқача қилиб айтганда, **табиат ҳар бир жонивор ўз боласини ўзи ёки пода ёрдамида ҳимоя қилишига имкон яратиб берган**, демак, «оила қуриш»га уларда зарурат йўқ, дейиш мумкин.

Одамзотга келсак, бу масалада у, Худога шукурки, анча орқада қолиб кетган, чунки кеча туғилган бола бугун кўчага югуриб чиқиб кетадиган бўлганида бечора онанинг ҳоли нима кечишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

20 ёшлик бола

Одам боласи оёққа туриб юришни ўрганиши учун камида бир йил керак, қорни очганлигини ёки бирор жойи оғриётганлигини онасига тушунтириши, яъни тилга кириши учун 2–3 йил, олдида қўйилган овқатни ўзи ейишни ўрганиши учун эса 4–5 йил керак, ва ниҳоят, ўз нонини ўзи топиб ейиши учун ўнлаб йиллар керак...

Одам боласи бошқа барча жонзотлар зурриётига нисбатан ҳаддан ташқари



ожиз бўлиб туғилади ва узоқ йиллар давомида ҳар томонлама парваришга ва ҳимояга муҳтож бўлиб қолади.

Йигирма йилда кўпчилик жонзотлар ўз умрини яшаб бўлишади, одам эса йигирма ёшга кириб ҳам ўзини ўзи эплломайди, деб ҳисоблаймиз.

Ваҳоланки, бола узоғи билан 10 ёшидан бошлаб пул билан муомала қилишни ўрганиши керак, лекин бу бошқа мавзу. Бизнинг мавзунини давом эттириш учун эса бир масалани ҳал қилишимизга тўғри келади, яъни:

Оила кимга кўпроқ манфаат келтиради: эркакками, аёлгами?



Иккаласи ҳам бир хил манфаатдор эмас, албатта, чунки эркак билан аёлнинг табиати ҳар хил, айрим жиҳатлардан эса ҳатто бир-бирига қарама-қарши ҳам. Эркак ва аёлнинг жуда мураккаб бўлган табиати ва ички дунёси тўғрисидаги илмий изланишларга киришиб кетмасдан, келинг, шунчаки

уларнинг ташқи кўринишига диққат билан назар солиб кўрамиз.

Оилали ва оиласиз эркак билан аёлларнинг кундалик ҳаётдаги одатий ташқи кўринишини кўз олдингизга келтирсангиз, антиқа ўхшашликларнинг шоҳиди бўласиз.

Оилали (уйланган) эркакнинг ташқи кўриниши аксарият ҳолларда ораста, кийимлари покиза, соч-соқоли олинган, кўзлари чақнаб турган бўлади. Қорни тўқ, эгни бут, қадди тик.

Оиласи бор (**турмушга чиққан**) аёлнинг ташқи кўриниши, кўпинча, бунинг акси бўлади: кийимлари ва пойафзали, асосан, «кўп хизмат кўрсатган», сочлари рўмол тагига яширинган, қадди бўш, қўллари сумка ва пакетлар билан банд.

Худди шунга ўхшаб, **сўққабош эркакнинг ташқи кўриниши** ҳам, кўпинча, деворлари ғижимланган, кечирасиз, қийшайган, томини ўт, деразаларини чанг босган қаровсиз қолган уйни эслатади.

Оила қурмаган аёлнинг ташқи кўриниши эса бунинг мутлақо акси бўлади – пойдеворидан бошлаб томигача яп-янги, қўғирчоқдек безалган уйга ўхшайди.

Бу гапларни умумлаштирсак, уйланмаган эркак билан оилали аёлнинг ташқи кўринишлари бир-бирига ўхшашлигига ҳамда уйланган эркак билан оиласи бўлмаган аёлнинг бир-бирига ўхшашлигига амин бўламиз. Демак, шунчаки ташқи кўриниш «аҳволи»га қараганда, **оила кўпроқ эркакка манфаат келтирар экан**. Агар уларнинг қай бири кўпроқ елиб югуриши ёки дам олиш имконига эга эканлигини ўйлаб кўрсангиз, бу масаладаги гумонларингиз тарқаб кетади.

Парадокс

(яъни мантиққа зид фикр)

Лекин бу масаланинг бошқа томони ҳам бор. Агар оила қуриш кўпроқ эркакка манфаат келтирса, унда нима учун ҳаётда айнан уйланишни **орзу** қилиб яшайдиган эркак деярли топилмайди, турмушга чиқишни орзу қилмайдиган аёлнинг ўзи эса табиатда йўқ. Сабаби жуда оддий: **зурриётини йўқдан бор қилиб яратишга фақат аёл киши қодир, нафақат яратиш, бал-**

ки уни парвариш қилиб вояга етказиш учун у ҳатто ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр, бу унинг табиати. Бунинг учун эса унга оила керак. Эътибор беринг: эркакмас, ОИЛА керак дедик.

Хотин кишига эр нимага керак?



Аёл эркакдан жисмонан заифроқ бўлгани учун, эр унга, авваломбор, бошқа эркаклардан ўзини ҳимоя қилиш учун керак.

Фарзанд туғилгач эса аёл ўн баробар, юз баробар заифроқ бўлиб қолади.

Ҳамма биладиган оддий

ҳақиқат бор: чиллагача она ўз фарзанди ёнидан деярлик бир дақиқага ҳам нари кета олмайди. Олти ойгача она учун кеча билан кундузнинг фарқи қолмайди. Бир йилгача болани тўрт фаслдан эсон-омон ўтказиш машаққатини тартади. Бола юра бошлаганидан кейин эса уни теварак-атрофнинг кўринар-кўринмас офатларидан асраш меҳнати бошланади. Ишқилиб, бола икки ёшга киргунича она нафақада бўлиши қонун билан белгиланиб қўйилганлиги беҳудага эмас. Бу вақт давомида онанинг ўзини тўла-тўқис болани парваришга бахш этишидан бошқа иложиси йўқ ва ҳатто энг сеvimли эри ҳам, ҳурматда ва эъзозда бўлган қайнонажониси ҳам унинг учун ўнинчи даражада бўлиб қолишади. Чунки муҳимлик даражасининг биринчисидан тортиб то тўққизинчисигача тўла-тўқис фарзанд, унинг соғлиғи, уйқуси, овқати, кўйлак-иштонлари, кўрпа-тўшаги ва ту-

ваги эгаллаб олади. **Аҳамият жиҳатидан боланинг тувагидан кейинги ўринда туриш оғир ботади, албатта, лекин нимаям қилардик...** Қолаверса, бир вақтлари бизнинг тувагимиз ҳам шунчалик даражада аҳамиятли бўлган.

Бу мулоҳазалардан кейин фаҳм-фаросати бўлганлар эр аёл киши учун бошқа эркаклардан ҳимоя қилишдан ташқари яна нима учун кераклигини тушуниб етишган бўлишлари керак, албатта.

Юқоридаги мулоҳазаларни ўқимай ўтиб кетганлар учун эса қисқача тушунтириш бериб ўтамиз:

– гап шундаки, болани парвариш қилишга зарур бўлган ҳамма нарсаларни, шу жумладан, унинг онасига зарур бўлганларини ҳам фақат пулга сотиб олиш мумкин.

Демак, жуда оддий қилиб айтганда аёлга эр уни пул билан таъминлаши учун керак.

Агар бу гап сизга қўпол, ҳаддан ташқари дангал, дағал бўлиб туюлса, унда эркак кишига хотин нима учун керак, деган савол устида ўйлаб кўринг, кейин бу мавзуга қайтамиз.

Бу ҳақда ўйлашни истамаганлар учун эса шу гапнинг ўзини маданиятлироқ қилиб айтиш мумкин: **аёлга эр уни моддий ва маънавий ҳимоя қилиш учун керак.**

Моддий ҳимоя деганда аёл (хотин) фарзандини парваришлаб, вояга етказишида ва тарбиялашида ҳеч нарсага муҳтожлик сезмаслигини таъминлаш назарда тутилади.

Аёлни маънавий ҳимоя қилиш деганда эса, **унинг шаъни, обрўси, хотиржамлигининг ҳимоя қилиниши**

назарда тutilади. Агар кимдан ҳимоя қилиш керак деган саволга жавоб топишга кимдир жиддий уриниб кўрса, ҳозирги ақли икки баробар кўпайиши эҳтимолдан холи эмас.

Оила қуриш учун нималар керак?

Дунёда кулгили нарсалар кўп, қайғулилари ҳам оз эмас, лекин **ҳам кулгили, ҳам қайғули нарсалар, кўпинча, оила масаласида учрайди.**

Ҳар қандай корхонага ишга кириш учун, авваламбор, «диплом» ёки жуда бўлмаганида маълум ишни бажариш учун малака, кўникма талаб қилинади. Лекин инсон умрининг асоси бўлган, энг мураккаб ва энг муҳим «қурилиш», яъни оила қуриш учун на диплом, на малака керак эмас. Маълум ёшга етганидан кейин қиз бола – хотин, ўғил бола эр бўлишга тайёр, деб ҳисобланади. Бу гап ҳали унчалик кулгили эмас, кулгилиси ўша оиланинг асл таъмини, мазасини ҳеч қачон татиб кўрмаган йигит ва қизга жуфт танлашнинг ўзларига қўйиб берилишида.

Эътироз билдираман! *Замондан орқада қолган-сиз ўртоқ!*
Ишқ бор, муҳаббат бор!

Тан оламан, замонлар ўзгариб кетяпти, техника ҳаддан ташқари ривожланиб бормоқда, информатика асри келди, деярли ҳар куни янгилик, ўзгариш. Ривожланган мамлакатларда бир марта ишлатиладиган буюмлар йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Ҳар йили хотинни, ёки эрни алмаштириш табиий ҳол бўлиб, замон билан ҳамнафас яшаш деб ҳисобланяпти.

Лекин, афсуски, оила қуриш қонунлари, яъни, оилада эркакнинг ва аёлнинг ўрни ўзгармаган. Масалан, қанча асрлар ўтса ҳам, эркаклар ҳанузгача туғишни ўрганишмаган.



Адолат юзасидан қарайдиган бўлсак, ишқ-муҳаббат қонунлари ҳам охириги икки минг йил давомида ўзгармай келмоқда. Ишқ-муҳаббатда икки минг йил олдин ҳам эркак ва аёлнинг ўз ўрни, яъни вазифаси бўлмаган, бугун ҳам йўқ.

Икки минг йил аввал ишқ-муҳаббатнинг ўз севгилисига етишишдан бошқа мурод-мақсади бўлмаган, ўз севгилисига етишганидан кейин эса нима қилишни у ҳозир ҳам билмайди.

Айтмоқчи, биласизми нима учун гипертония касаллиги фақат катта ёшдаги одамларда бўлади?

Чунки ёшлиқда, айниқса, жуфти-ҳалол танлаш вақти келганида, юқори қон босими, асосан, белдан пастда бўлиб, яъни ақл билан иш қилиш учун мияга етарлича қон бормай қолади. Айнан шу пайтда ота-она ўз қон босимидан самарали фойдалана олса фарзандларининг келажаги учун энг муҳим вазифани бажарган бўларди.

* * *

Бир қизнинг фикри адашиб ёш йигитнинг миясига тушиб қолибди. Қараса, йигитнинг мияси бўм-бўш, фақат бир бурчакда кичкинагина, нимжонгина бир фикр ётган эмиш. Қизнинг фикри ундан сўрабди:

- Нимага ҳеч ким йўқ, сизникилар қани?
- Бизникилар ҳаммаси пастда-а-а., – зўрға жавоб берибди у.

Шундай қилиб, икки минг йил давомида ўзгармаган ишқ-муҳаббат туйғуси каби эркак ва аёлнинг табиати ҳам ўша-ўша, уларни на замона, на тараққиёт ўзгартира олмаган.

Икки минг йил аввал ҳам ҳар бир аёл унинг ёнида фарзанди ва эри бўлишини орзу қилган. Ҳозир ҳам эрли ва фарзандли бўлиш унинг орзуларининг чўққиси бўлиб қолган. **«Бир қиз эрга тегса, қирқ қиз туш кўради».**

Икки минг йил олдин ҳар бир эркак бир-иккита эмас, дунёдаги барча аёлларнинг султони бўлишни истаган, ҳозир ҳам... ишқилиб, тинч ўтира олмайди.

Бу эркак ва аёлнинг табиати. Мабодо, уларнинг табиатини ўзгартиришни истасангиз, унда дунёнинг қайтадан яратилишини кутишга тўғри келади.

Келинг, кутишдан кўра муддаога ўтайлик.

Оила қуриш учун уй керак!

Алоҳида уй ёки жуда бўлмаганида шу алоҳида уйли бўлишга умид, ният, истак ёхуд аммангизнинг сизга «Ўз уйимни сенга мерос қилиб қолдираман», деган аниқ ваъдаси бўлиши керак.

Акс ҳолда оила қуришдан маъно қолмайди ҳисоб, чунки ўз уйи бўлмаган оила – ўз ҳудуди ва чегараси бўлмаган давлатдек гап. Яъни, бундай оиланинг доимий яшаш манзили «уруш-жанжал майдони», деб аталади.

Айрим оилавий муаммолар тўғрисида ҳеч қўрқмасдан гаров ўйнасангиз, сиз, албатта, ютиб чиқасиз.

Агар:

– қайнона билан келин бир-бири билан ҳеч чиқиша олмаса;

– туғишган оға-инилар бир-бирига душман бўлишса;

– икки овсин бир-бири билан ит-мушук бўлишса;

– эрнинг топган-тутгани ўзидан ортмай, оила муаммолари хотинининг гарданида бўлса;

– ота-она билан фарзандлар ўртасига совуқлик тушган бўлса;

– оилада муаммо кетидан муаммо туғилаверса;

– оила узоқ вақт давомида фарзанд кўрмаса...

Демак, бунинг замирида оиланинг уй-жой масаласини ҳал қилишда аниқлик йўқлиги ётган бўлади.

Бу муаммолар уй-жой масаласи билан боғлиқ эмас, деб сиз билан гаров ўйнаган 10 та одамдан 9 таси сизга ютқазади.

Бундай ҳолнинг сабаби оила қуришдан кўзланган мақсадга бориб тақалади. Оила қуришдан мақсад эса табиат сенга юклаган вазифани адо этиш, яъни ўзингдан зурриёт қолдириш, шунчаки зурриёт эмас, ўзингдан мерос қолдириш, шунчаки мерос эмас, ўша зурриётга мерос қолдириш. Агар унга қолдирадиган мулкнинг (асосий мулк эса бу – уй-жой) бўлмаса, фақат зурриёт қолдиришдан маъно қолмайди. Айтмоқчи, ҳамма ҳайвонлар шундай қилишади.

Эътироз билдираман! Бу қанақаси бўлди?! Ҳар бир ота-она фарзандини уйлантириб, неварачеварали бўлиш, келиннинг «хизматини кўриш» орзуси билан яшайдикуну! Бундан чиқди ўғлимни уйлантириб, уни уй-жойли қилиб, ўзим кампирим (чолим) билан ёлғиз қолишим керак экан-да?! Бемаънилик!!! Бу ғирт Европа-куну!!! Ўзбекчилик қаерда қолди?!

Ундай бўлса, ўзбекчиликдан гаплашамиз.

Айтинг-чи, ўзбеклар қандай хотинни (қандай эрни) яхши хотин (яхши эр) дейишади?

– **Уйим, рўзгорим, болам-чақам** дейдиганними?

Ҳа, ўлманг! (Гапнинг бошланишига эътибор беринг: «Уйим,...»). Ҳатто **«Ўргимчак ҳам ўз уйим дейди»**.

Хўш, сизга хизмат қилиб юрган келин сиз «ўтиб» кетганигиздан кейин (оғир гап учун узр сўрайман), шу уй уники бўлишини аниқ биладими ёки келажакда ўз уйи бўлиши учун овсини (овсинлари) ва бошқалар билан доимий жанг олиб боришига тўғри келадими?

Сиз ҳақ эканлигингизни тан оламан, лекин ҳар кимнинг ҳам ўз ҳақиқати, ўз дунёқараши борлигини сиз ҳам тан олишингизга тўғри келади... Чунки...

Айтайлик, сизнинг дунёқарашингиз, сизнинг ҳақиқатингиз яшашга (бор бўлишга) ниманинг ҳисобига бўлишини биласизми?

– Ҳар қандай ҳақиқатга (дунёқарашга) қарама-қарши ҳақиқат (дунёқараш) борлиги ҳисобига.

Сизнинг ҳақиқатингизга қарама-қарши бўлган ҳақиқатни йўқ қилсангиз, сизнинг ҳақиқатингиз ҳам «йўқ бўлади».



Жудаям оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, маҳаллангизда «ёмон қўшни»лар борлиги сабабли шахсан сизни «яхши қўшни» дейишади.

Агар фалсафани кўнглингиз хуш кўрмай, лекин болачақамнинг роҳатини кўришни истайман десангиз, унда янги оиланинг уй-жой масаласини ҳал қилишингизга тўғри келади. Чунки, токи келинингизнинг «яхши хотин» бўлишига умид, имкон бермас экансиз, ё келинингиз, ё ўғлингиз (ёки иккаласи ҳам) сиз учун «ёмон» бўлиб қолаверади.

Қолаверса, Сиздан кимдир «Ўғлингизни уйлантирдингми?», – деб сўраганида, унга хотин олиб бердингми, деган маънода сўрамайди, балки уйли-жойли қилдингми деган маънода сўрайди.

Бу масалани ҳал қилишга жиддий киришганларга эса, пиру-бадавлат ота-боболаримиздан қолган текин маслаҳат: **Сиздан кўпайган «янги оилалар» ўзаро ва сиз билан тотув, аҳил бўлсин десангиз, бир-бирларидан камида уч чақирим узоқда яшашсин.** (Бу маслаҳатнинг асл маъносидан кўра, кўпроқ «чақирим» сўзи билан қизиқиб қолганлар учун изоҳ: «чақирим» – бу 1,06 км га тенг масофа).

Бошқотирма

(Оила қуришга тайёргарлик кўраётганлар учун 1-машқ)



Қуйидаги муаммони ҳал қилишга уриниб кўринг. (Ўйлашни истамасангиз, тўғри жавобни китобнинг охиридан қидиринг. Топа олмасангиз, китобни бошқатдан ўқинг).

Иккаласи ҳам нафақага чиққан эр-хотинлар иккита ўғли ва иккита келини, бешта невараси билан уч хонали квартирада яшашади. Неваралар улғайган сайин уй торлик қилиб бормоқда. Бошқа уй сотиб олишга ортиқча маблағ йўқ. Эр-хотинларга ақлли маслаҳатингиз билан ёрдам беринг.

(Изоҳ: Сизнинг маслаҳатингиз бу муаммони узоғи билан бир ой давомида узил-кесил ҳал қилиш йўлини кўрсатиб бериши керак.)

Уйсиз хотин «уй бекаси» бўла олмайди

Аслида уй, авваламбор, аёл кишига керак. Эр-как кўчада ҳам кун кўриб кетаверади. *(Дарбадарлар, қаландарлар, дайдилар, буюк ва буюк бўлмаган сайёҳлар, ишқилиб, турли хил уйбезорилар рўйхатида ҳамиша эркаклар бўлган.)*

Аёл ҳар қандай ташландиқ кулбани саришта уйга айлантира олади, эркак эса (хафа бўлманг-у...) худди мушукка ўхшаб, қаерда иссиқ жой бўлса, ўша ерда қолаверади.

Ҳар қандай эркакка ҳунарсиз бўлиш хўрлик келтириши муқаррар бўлганидек, аёл кишига уйсиз қолиш ўлим билан баробардир. Айниқса, эрсиз аёлнинг ўз уйи унинг ҳам паноҳи, ҳам ҳаётининг устунидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, отага, кўпинча, раҳматни ҳунарли бўлган ўғли келтиради, саодатни эса уйли-жойли бўлган қизи.

Яна бир бошқотирма

(Оила қуришга тайёргарлик кўраётганлар учун 2-машқ)

Тасаввур қилинг, икки миллион йил олдин катта бир ғорнинг ичида икки-уч юз нафар ибтидоий одамлар қабиласи яшайди. Эркаклар эрталаб қўлларига ёғоч найзаларни ва тошболталарини олиб, эгниларига ҳайвон терисини кийиб, биргалашиб ов қилишга чиқиб кетишадди. Аёллар эса ғор ичида болалар ва қарияларга қараб қолиб, «уй юмушлари» билан банд бўлишади.

Кечки пайт эса эркаклар қийқиришиб, шу кунги ўлжа – катта бир буқани судраб келишади ва барча қабила аъзолари билан биргаликда уни пишириб ейишади. Ҳаммининг қорни тўйиб, «базм» тугаганидан кейин ҳеч ким «уй-уйига» ҳам кетмайди, бу ерда «алоҳида хоналар» ҳам йўқ... Табиий-ки, у пайтларда бизнинг тушунчамиздаги «оила»дан ҳали асар ҳам бўлмаган...

Демак, ҳар бир аёл қабиладаги барча эркакларнинг хотини, ҳар бир эркак эса ҳамма аёлларнинг эри бўлиб ҳисобланган. Бундай шароитда (бундай оилада) туғилган болалар ҳам умумий бўлиши табиий, албатта. Чунки қайси бола қайси отадан туғилганлигини аниқлаб бўлмаса ҳам, лекин ҳар бир она ўз фарзандини аниқ билади.

Энди бир бош қотириб кўринг: агар болаларнинг она-си маълум, лекин отаси кимлигини аниқлаб бўлмаса, унда шу одамлар яшаб турган «уй», яъни ғор, унинг ичидаги идиш-товоқ, қурол-яроқ, кийим-кечак ва озуқа заҳираларининг меросхўри ким бўлиб қолади – қиз болами ёки ўғил?

Бу жуда муҳим масала, чунки, ўзингиз тушунасиз, ким меросхўр бўлса, демак, келгусида катта «оиланинг» хўжайини ҳам ана шу бўлади.

(Изоҳ: тўғри жавоб китобнинг охирида.)

Иккаласи бир бутун, аммо....

Эркаклар Марс сайёрасидан, аёллар Зухро юлдузидан тушганлар. Улар ҳар хил тилда гапириб, дунёга бошқа-бошқа кўз билан қарашади. Шунга қарамасдан, икковлари бир мақсадга интилишса ҳам ҳеч бир-бирлари билан келиша олмайдилар.

Эҳтиросларга тўла севгини ҳар ким ҳам орзу қилади, лекин бу орзуни амалга ошириш учун эркак ва аёл мутлақо ҳар хил мавжудот эканликларини унутмасликлари ва ўйин қоидаларига риоя қилишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса бу иккита буюк «мавжудот»ни яхшилаб ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, танишинг:

Ўғил бола – қиз бола

Қиз болалар гўдаклигида шовқин, жисмоний таъсир, совуқ ва намлик таъсирини ўғил болаларга қараганда кескинроқ қабул қилишади. **Ўғил болалар-**

да бир-бирини туртиш ёки елкасига уриш ҳазил бўлиб ҳисобланса қиз бола томонидан бу зарба сифатида қабул қилинади. Ўғил бола буни дўстона муносабат деб қабул қилса, қиз бола бундай «ҳазил»дан ҳақиқатан ҳам оғриқ сезади.



Ўғил болалар нарса, буюмларга қизиқишса, **қиз болалар** – одамларга қизиқишади.

Қиз болалар (аёллар ҳам) бирор-бир қарорга келишдан олдин, улар қилмоқчи бўлган иш теварак-атрофдагиларга қандай таъсир қилишини ўйлаб қилишади. **Ўғил болалар** эса (эркаклар ҳам) қонун-қоидалар, адолат меъзонлари ва мантиққа суяниб иш тутишади.

«Қандай машғулот билан шуғуллансак экан?» – деган савол туғилганида, **ўғил болалар** «ўйнаб келишни» афзал кўришади; **қиз болалар** эса «яхшиси гаплашиб ўтираминиз», деган қарорга келишади.

Қиз болалар ўз дугоналарининг исмларини билишади ва эслаб қолишади. Улар, кўпинча, галмагаллик талаб қилинадиган ва мусобақа руҳияти билвосита намоён бўладиган ўйинларни танлашади. Агар **қиз болалар** тортишиб қолишса ёки орада жанжал чиқса, ўйин тўхтаб қолади ёхуд ўйин тури ўзгартирилади. **Ўғил болалар** эса тортишув ва ўзаро айбловларни ўйиннинг таркибий қисми деб ҳисоблашади.

Эркак – аёл

(Қарама-қаршиликлар бирикмаси дунёни безайди ва ундаги тартибни ушлаб туради, уйғунликни келтириб чиқаради)

Эркакларнинг мияси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Миянинг ўнг палласи жисмоний ҳаракатлар учун жавоб беради. Чап палласи эса ҳис-туйғу, мантикий фаолиятни назорат қилади. Ўнг палласи чап палласига қараганда кўпроқ ривожланган. (Шунинг учун эркаклар камгапроқ бўлишади.) Инсулт оқибатида миянинг ўнг палласига зиён етса эркаклар гапира олмай қолади.

Аёл кишининг мияси эркакларникига қараганда мослашувчан ва универсал бўлиб, маълум бир масалани ечишда миянинг иккита палласи ҳам иштирок этади. Улар тезда бир қарорга келишади, осонгина мулоқотга киришишади ва жуда сезгир бўлишади. Инсулт оқибатида миянинг бир қисми шикастланса, унинг вазифасини иккинчиси бажаради.

Эркаклар ўз ҳис-туйғуларини яширишади.

Аёллар ўз ҳис-туйғуларини очиқ намоён этишади.

Эркак ҳамиша рақобатга, курашга интилади.

Аёл эса ҳамкорлик қилишга интилади.

Эркак кучли ва енгилмас бўлиб кўри-
нишга интилади.

Аёллар ҳамиша кимдир уларга суянчиқ
бўлишига, қўллаб-қувватлашига ва улар-
ни ҳимоя қилишига эҳтиёж сезишади.

Эркаклар, ташқи атроф-дунёнинг би-
лимдонлари.

Аёллар – инсоннинг ички дунёсининг би-
лимдонлари.

Эркак бадгумон ва шубҳаланиб турувчи.

Аёл ишонувчан ва кўнгли очиқ.

Эркак эрки ўзида, мустақил.

Аёл, кўпинча, ўз фазилатлари ва билим-
ларини, ютуқ ва қобилиятларини яшир-
ган ҳолда эркакка бўйсунди.

Эркак ташаббус ва масъулиятни ўз гар-
данига олишни яхши кўради. Бу сифат-
ларни намоён этиш имконидан маҳрум
бўлиш унинг иззат-нафсига тегади ва
уни ғазаблантиради.

Аёл, кўпинча, ташаббусни ўз кўлига ола-
ди.

Эркакларнинг ўзига берадиган баҳоси
тўғридан-тўғри ўз ютуқлари билан боғлиқ
бўлади.

Аёл ўзига танқидий назар билан қарай-
ди, ҳамиша ўз устида ишлаб, камолотга
интилиб яшайди.

Эркаклар ўз хатолари ва мағлубиятларини ўта қийинчилик билан тан олишади, чунки «нима қилаётганимни ҳамиша яхши биламан», деб ҳисоблашади.

Аёл жуда таъсирчан бўлиб, руҳий мувозанатни тезда тиклай олади, ўз ҳаяжонларининг даражасини бўрттиришга мойил бўлади.

Эркаклар мақтов ва бошқалар томонидан тан олинишга айнан улардаги фазилатларнинг қўллаб-қувватланиши учун эмас, балки шунчалик руҳий хотиржамлик учун алоҳида муҳтожлик сезишади.

Аёллар доимо ўзларини керакли, жозибадор, бетакрор эканликларини ҳис қилишни ва севимли бўлишни исташади.

Асабийлашган ёки таъби хира аёллар **эркакларнинг** нафратини уйғотади, чунки бундай ҳолатда эркаклар ўзларини заиф ҳис қилиб, руҳий ноқулайлик сезишади.

Аёллар ўзларини у ёки бу тарзда намоеън этиш имкони бўлмаган ҳолатларни ўлгудай ёмон кўришади.

Эркаклар ҳар бир сўзни том маънода тушуниб уларни таҳлил қилишга қодир эмаслар.

Аёллар, кўпинча, овоз чиқариб фикрлашади, шикоят қилишади ва шу билан бирга асосли фикрларни билдиришмайди. Эркаклардан фарқли ўлароқ ўз сўзларига унчалик жиддий қарашмайди.

Эркаклар ўзларини, ўз шахсларини биринчи навбатда ўз иши ва ютуқлари орқали намоён этишади.

Аёллар ўзларини, ўз шахсларини биринчи навбатда оила, ўзаро муносабатлар орқали намоён этишади.

Эркаклар мияси фаолиятининг ўзига хослиги – улар фикрлардан бирдан ҳис-туйғуларга ёки ҳис-туйғулардан фикрларга ўтишда қийналишади.

Аёллар фикрлардан ҳис-туйғуларга бир зумда кўчиб ўтишади ва аксинча.

Жинсий яқинлик **эркаклар** ҳаётида жуда катта ўрин тутади, у орқали улар, кўпинча, ўз ҳис-туйғуларини намоён этиб, мадад олишади ва хотиржамликка эришишади.

Аёл жинсий яқинликдан кўра ишқий муносабатларни яхши кўради, чунки ҳис-туйғулар унинг учун муҳимроқдир. Шунинг учун аёлларда кўнгил истагисиз жисмоний интилиш бўлмайди.

Эркаклар суҳбат мақсади аниқ кўринсагина яхши мулоқот қилишади, улар жим фикр юритиб, фақат якуний хулосагини гапиришади, ҳис-туйғуларини баён этиш эса қийинроқ кечади.

Аёлларни, кўпинча, суҳбатнинг мақсади эмас, авваламбор жараённинг ўзи кўпроқ қизиқтиради, шунинг учун ҳам уларнинг гаплари мужмал ва ноаниқ бўлади.

Кўпчилик **эркаклар** учун ички ҳис-туйғулар дунёси қоронғу. Улар юраклари билан эмас, кўпроқ ақллари билан яшаши ва ўз ҳис-туйғуларини кавлаштириб ўтиришга ўрганишмаган.

Аёллар кимгадир керак эканликларини ҳамиша ҳис этиб туришни ёқтиришади.

Эркаклар ўз устунликларини ҳис қилишни яхши кўришади.

Аёллар ўз туйғуларини, сезгиларини, назокатларини намоеън этишга қодир бўлиб, кўпинча, болаларига, севгилисига ўзларини қурбон қилишади.

Майда-чуйда, икир-чикирлар **эркакларнинг** кўзига кўринмайди.

Аёллар саранжом-саришталикни яхши кўришади. Атрофдаги воқеаларнинг майда-чуйдалари ва тафсилотлари улар ҳаётида асосий ўринни эгаллайди.

Эркаклар уларни истифода қилишларидан (улардан фойдаланишларидан), алдам-қалдам гаплар билан бошқаришга уришларидан нафратланишади.

Аёллар ўзлари қадрлайдиган одамларга нисбатан кечиримли бўлишади.

Лирик чекиниш

«Олдин англа, кейин танла»

«Билиб қўйган яхши» саҳифасидан.

Шундай эркаклар ва аёллар бор:

- Айнан оила қуриш учун яратилганлар.
- Оила қуришга умуман тўғри келмайдиганлар.
- Хотинининг чизган чизиғидан чиқмайдиган бўлиб туғилган эркаклар.
- Ҳеч нарсага қарамасдан, барибир, ҳаётингизни захарлайдиган, ичидан пишган хусуматчи ва жиннилар.
- Эркак табиатли аёллар ва аёл табиатли эркаклар.

Эркакларнинг гоҳида ўзлари ҳам англамайдиган сирлари

*(Ҳурматли эркаклар! Бу сотқинлик эмас,
чунки қолган сирлар сирлигича қолади)*

Шундай қилиб эркак зоти:

– Ўзининг ғайриоддий ва бетакрорлигига ишонади, агарда уйланадиган бўлса, уни айнан ғайриоддий ва бетакрор деб биладиган аёлга уйланади. (Оппоқ қиз! Сиз танлаган йигит ҳақиқатан ҳам бошқалардан бирон жиҳати билан ажралиб турмаса: айтайлик касби-кори, ҳунари, бошқалар билан бўлган муносабати ва ҳоказо, ишонаверинг, ўзингизга қийин бўлади.)

– Уни «ҳақиқий эркак», деб ҳисоблашларини истаса ҳам, лекин «ҳақиқий эркак» қандай бўлиши кераклигини аксарият ҳолларда ўзи ҳам билмай-

ди. (Оилавий ҳаётнинг дастлабки йилларида хотини эрини ўзидан ақллироқ эканлигини сўзсиз тан олишини унга кўрсата олса, бундай хотин жуда ақлли эканлигини эри ҳам тан олади ва унинг учун ҳар нарсага тайёр бўлади.)

– Уни биров танқид қилиши унга умуман ёқмайди, мақташи эса жуда ёқади. (Эркакка гап қайтаришдан олдин танқиднинг 128 тури борлигини ва шуларнинг 127 таси «йўқ, ундай эмас...» деган маънодаги гап билан бошланишини билган аёл учун эркакка ўз сўзини ўтказишнинг 128 хил йўли очилади. Эрдик аёлнинг эзмаланишини кечирishi мумкин, лекин унинг ҳақлигини ҳечам кечиролмайди.)

– Қалбан у ҳамиша ёш бола бўлиб қолади. (Эртами-кечми хотин ўз эрига оналарча беминнат ғамхурлик кўрсата бошламагунча, оилавий ҳаёт мустаҳкам пойдеворга ўрнашиб олди, деб бўлмайди.)

– Унинг кундалик ҳаётдаги ҳатти-ҳаракатларидан фарқ қиладиган, жамият учун мўлжалланган ниқоби бор. (У билан камида 10 марта гаплашиб, икки марта жанжаллашмагунингизча унинг асл юзини билиб ололмайсиз.)

– У ўз атрофидагиларнинг одатлари ва дунёқарашларига мувофиқ яшашга интилади. (Бўлғуси куёвинингизнинг кимлигини билиш учун унинг дўстлари билан бирга вақтини нималарга сарфлашини суриштиринг.)



– У мунажжим ва фолбинларга ишониши гумон, лекин ғайриоддий кучлар

борлигига ишона олади. (Эр учун, агар уни ҳаётдаги мақсадига эришишида қўллаб-қувватласа энг яхши фолбин унинг хотини бўлиши мумкин.)

– У ҳамиша ўзини бошқа эркаклар билан таққослайди ва натижада ўзидаги камчиликлар юзага чиқиб, уни ҳамиша безовта қилади. (Оқила хотинлар! Агар ўзингиз ўтирган шохни кесишни истама-сангиз, эрингизга бошқа эркакларни ибрат қилиб гапирманг!)

– Одатда, ҳатто унинг ўрни, мавқеи ёки ютуқлари уларникидан кам бўлса ҳам у ўзини ҳамкасблари ва бошлиқларидан яхшироқ қилиб кўрсатишга уринади. (Эркак сирлари изоҳининг охиргисини ўқинг.)

– Одатда, у спортни яхши кўради ва мусобақаларда қатнашишни ёки томошабин бўлишни ёқтиради. (Шунчаки у бечоранинг стадиондан бошқа жойларда истаганича бақариб, ўз завқини ёки нафратини очиқдан-очиқ намоён этишга имкони йўқлигини тушунишга ҳаракат қилинг.)

– У ўз аёлидан ботирроқ ва уни тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир. (Унинг ёнидаги аёл унга қанчалик ожиз бўлиб кўринса, аниқроғи аёл унинг олдидан ўзини қанчалик камтарона тутса, уни шунчалик ҳар томонлама ҳимоя қилгиси келади.)

– Касал бўлганида аёлининг меҳрибонлигига алоҳида эҳтиёж сезиб, касаллиги оғирроқ кечса, ёш боладек ожиз бўлиб қолади. (Қуйидаги изоҳнинг бу гапга алоқаси йўқ, деб ўйланг: аксарият ҳолларда эркак киши, авваламбор, ўз қадрини ўзи билмаганлиги, қолаверса, яқинлари севмаганлиги, қадрламаганлиги туфайлигина ичкиликка берилади.)

– У ҳамиша эркинликка интилади, бировга бўйсунуш, тобе бўлиш унинг табиатига зид, чунки у – овчи; у – жангчи; у – саркарда; у – курашчи; у – ғолиб. (Келинчак, хотинжон, хоним! Агар эрингиз Сизга ўз меҳр ва эътиборини беришини истасангиз унга эркинлик беринг, шунчаки эркинлик эмас, балки ўзига ва оиласига тааллуқли бўлган масалаларда мустақил қарор қабул қилиш эркинлигини ҳам!)

– У ўзи тўғрисида гапиришни яхши кўради. (Шундай ҳолларда аёл эркакни қанчалик диққат ва эътибор билан тингласа, уни шунчалик даражада яхши суҳбатдош деб ҳисоблайди ва унга нисбатан меҳри оша бошлайди. Қолаверса, бизлар ҳаммамиз «ақлли одам» деб бизнинг фикримизга қўшиладиганларни айтмиз.)

Аёлларнинг гоҳида ўзлари ҳам англамайдиган сирлари

(Ҳурматли аёллар! Бу сотқинлик эмас, чунки сизнинг барча сирларингизни билишга инсон зоти қодир эмас)

Аёл зоти:

– У ёшлигида севимли, навқиронлигида қадрли ва бутун ҳаёти давомида эъзозли бўлишни истайди. (Эрининг доимий эътиборини сезган ва ардоғини кўраётган ҳар қандай аёл бахтли оила қуриш ва солиҳ фарзандларни тарбиялашга қодир бўлади.)

– Унинг бошқа сирларини ва нималарга қодирлигини ҳеч ким, кўпинча, ўзи ҳам билмайди... (Аёл зотини яхши биламан деб, кўпинча «амалиётчилар» қаторидан «файласуфлар» қаторига ўтган эркаклар

айтиши мумкин. Қолаверса, аёлни билиш ёки тушуниш сизга ҳеч нарса бермайди. Аёлни тушуниш эмас, севиш керак.)

Оилада эрнинг ва хотиннинг нечта вазифаси бор?

Бармоқ букиб санаб чиқишга уриниб ўтирманг, бор-йўғи учтадан вазифаси бор: эрда – учта, хотинда – учта.

Эрнинг вазифалари:

- эрлик;
- боқувчилик;
- оталик;

Хотиннинг вазифалари:

- хотинлик;
- бекалик;
- оналик.

Улар бу вазифаларни адо этишлари учун қандай ишларни қилишлари керак, деган савол туғилади. Бу масалада ҳам қийналиб ўтирманг, чунки ҳар битта вазифани адо этиш учун фақат биттадан иш қилиш керак бўлади, холос.

Шундай қилиб, эркак ўзининг биринчи, яъни **«Эрлик» вазифасини** бажариши учун:

– **ўзи ва оиласи ҳаётига тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиши керак бўлади.** (Шу гапни ўқиган аёллар гарчи уларда жуда кўп саволлар туғилса ҳам, сабр қилиб туришларига тўғри келади, «Эрим нотўғри қарор қабул қилсачи?...»; «Тўғри қарор қабул қилишга ақли, қурби, маълумоти, тарбияси етмаса-чи?...»; «Менинг фикримни у инобатга олмаслиги керакми?!.»; «Эрим лапашанг, қўрқоқ, анқов, ялқов, алғов-далғов бўлса-чи?...» ва ҳока-

зо. *Сабр қилинг, аёллар, сабр. «Сабрнинг тағи сариқ, сап-сариқ... сабр».*)

Эр ўзининг иккинчи, яъни **«Боқувчилик»** вазифасини бажариши учун:

– **Хотинини моддий ва маънавий ҳимоя қилиши керак бўлади.** (*Шу ерда аёлларнинг тўлиб-тошган сабр косаси бироз бўшаб қолса керак...*)

Эр ўзининг учинчи, яъни **«оталик»** вазифасини бажариши учун:

– **Хотинини севиб ҳурмат қилиши керак бўлади.** (*Аёлларнинг сабр-косаси бўм-бўш бўлиб қолди...*)

Оилада эрнинг қилиши керак бўлган вазифалари ана шулардан иборат, лекин шошилмасангиз, оилада хотиннинг қиладиган вазифаларининг баёнидан кейин уларга яна қайтамыз.

Шундай қилиб, хотин оилада ўзининг биринчи, яъни **«Хотинлик»** вазифасини бажариши учун:

– **Эрига итоат этиши керак бўлади.** (*Шу ерга келганда кўпчилик аёллар бу китобни улоқтириб юбориши ёки тандирга ташлашни инобатга олиб, муҳарриримиз уни 500 ёки 1000 та эмас, балки 5000 нусхада чоп этишни маслаҳат берди.*)

Хотин ўзининг **«Бекалик»** вазифасини бажариши учун:

– **Эри учун уйини «жаннат»га айлантириши керак бўлади.** (*Шу ерга келганда аёллар: – «Ким ўзи бу яра-мас?!» – деб китобда муаллифнинг расмини ахтара бошлашади.*)

Хотин ўзининг **«оналик»** вазифасини бажариши учун:

– **Эрини ҳурмат қилиши керак бўлади.** (...)

Лирик чекиниш

«Қандай яшаётган бўлсанг, шундай фикрлайсан»

Никоҳ гувоҳномаси – бу оила ва оилавий бахт биносига эгаллик қилиш ҳужжати эмас, балки шундай бинони қуриш учун «ер майдони» ажратилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадир.



Эр ва хотин биргаликда бу «қурилишда» бир умр меҳнат қилишади. Умрларининг ниҳоясида бу бино куйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- Муҳташам, чиройли ва мустаҳкам қаср.
- Қурилиши тугалланмаган товуқхона.
- Келгуси авлодлар учун сақланиб қолишга муносиб бўлган бебаҳо обида.
- На совуқдан, на ёмғирдан сақлайдиган чайла.
- Барча қулайликларга эга, лекин бир-бирига бегона бўлган одамлар яшайдиган меҳмонхона.
- Паноҳ.
- Бир умрлик жазони ўташ муассасаси.
- Террариум.
- Жаннат.
- Дўзах.
- Ҳеч нима...

Келинг, энди жиддий гаплашайлик...

«Агар ёнингда фаришта яшашини истасанг, унга жаннатий шароит яратиб бер», деган гап бор. Лекин бу ерда битта эмас, иккита бир-бирига мутлақо ўхшамаган фа-



ришта бор ва «жаннатий шароит» деганда эркак ҳамда аёл бутунлай бошқа-бошқа нарсаларни тушунишади, айниқса оиладаги «жаннат» масаласида.

Бир оила ичида иккала фаришта учун ҳам жаннатий шароит яратишнинг фақат битта йўли бор, яъни улар оилада яшаш ва фаолият юритиш ҳудуди, бажарадиган вазифалари ва ҳақ-ҳуқуқларини белгилашлари, қолаверса, нима сабабдан уларга айнан шу вазифалар юкланишини тушуниб етишлари зарур. Бошқа йўл йўқ, акс ҳолда «қўш ҳўкиз»ларнинг ҳар қайсиси ҳар томонга қараб кетади.

Шундай қилиб, Эр ўз оиласидаги масалалар юзасидан ўзи мустақил қарор қабул қилиши лозим, дедик. Нима учун Эр қарор қабул қилиши, Хотин эса итоат этиши керак?.. Бу адолатданми?..

Агар эркак ва аёлнинг табиатини бир хил деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда бу адолатдан эмас, албатта... Аммо уларнинг табиатини бир-бирига ўхшатиш у ёқда турсин, ҳатто таққослаб ҳам бўлмайди.

Хўш, Табиат эркак ва аёлнинг табиатини қандай яратибди?

Табиат эркак вужудида эркинлик туйғусини («эркинлик» сўзи – «эркак» сўзидан олинганми, ё аксинчामी?), аёл вужудига эса меҳр-муҳаббат туйғусини «подшоҳ» қилиб қўйган. Нима сабабдан эркаклар ора-

сида гўзаллик танловлари ўтказилмаслигини билмай-сизми?

Эркакнинг қуроли, қудрати ақлида, (мантикий фикр юритиш қобилиятида); аёлнинг қуроли, қудрати ожизлигида (ҳеч қандай мантиқ еча олмайдиган масала ечимини ҳис қила олиш қобилиятида).



Эркакка унинг ақли йўл кўрсатади, аёлга меҳри.

Эркак ўзининг эркаклик табиатини фақат эркинлик муҳитида тўла намоён эта олади, аёл эса – меҳр-муҳаббат муҳитида.

Аёл ўз табиати бўйича эркакнинг доимий эътиборига эҳтиёж сезади. У эса уйдан ташқарига, «рақобат ва жанг майдони»га интилади. Аёл эри доимо унинг ёнида бўлишини, унга термулиб ўтиришини, эркак эса тезроқ кўчага чиқиб кетишни истади.

Савол туғилади: нимага энди у кўчага интилади?

Энг қисқа жавоб:

– Чунки у – жангчи, у **янги ерларни «босиб олиши»**, бировлар устидан **ғалаба қилиши**, қалъаларни **ишғол қилиши керак**, акс ҳолда у ўз табиатига қарши чиққан бўлади. Хотинини эса у аллақачон ишғол қилганман деб ҳисоблайди; яна ўз уйида жанг қилишга бало борми,.. ўзинг билан хотинингдан бошқа ҳеч ким йўқ-ку! Кўчада эса эркак ақл ва куч талаб қиладиган **маълум фаолиятнинг мазасини татиб кўришни, унга бу фаолият тўғри келиш-келмаслигига ва бу фаолиятда у ўзини намоён этишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилишни истади**. Буларнинг бари эса

унинг табиатига хос бўлган **кураш** ва **жанг** билан амалга ошади, чунки «кўча» тўла эркак, яъни «пул топаман», деб юрган эркаклар ва... эркаксифат аёллар...

Ҳеч ким қаршилиқ қилаётгани йўқ, кетса кетаверсин дейишга шошилманг, асосий гапга энди келдик.

Эркинликнинг бунга нима алоқаси бор?

Эркин бўлиш деганда, энг биринчи навбатда одам ўзига ўзи хўжайин бўлиши назарда тутилади.



Эркак киши ўзини оила билан боғлаганидан кейин эса оилани ҳам ўзиники деб ҳисоблайди ва унда тўлатўкис якка ўзи хўжайин, подшоҳ бўлишни истайди.

* * *

Хотини билан тортишавериб чарчаган эр ўрнидан туриб жаҳл билан столга бир мушт туширди:

– Ўзи бу уйда ким хўжайин?!

Хотини секин ўрнидан туриб:

– Нима, нима дединг?!..

Эр секин ўрнига ўтириб:

– Ҳа, нима... энди... сўраб ҳам бўлмайдими?..

Бу дегани ўзига ва оила ҳаётига тааллуқли бўлган масалаларни у ўзи ҳал қилишни истайди. Бу ишда унга хотини қаршилиқ қилиши ёки маслаҳат беришга уриниши унинг қўл-оёғини боғлаш билан тенг бўлади.

Энг қизиғи: эркаланибми, йиғлабми, алдабми-аврабми ўз эрини бир амаллаб ўзига боғлаб қўйган ва эри ҳамиша унинг оғзига қараб туришига эришган хотин бундай бўлишига йўл қўйиб берган эридан биринчи бўлиб ўзи



нафратлана бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, «биринчи ўринга» чиқиб олишга хотиннинг ўзи уринади, чиқиб олганидан кейин эса бунга йўл қўйганлиги учун эрига нисбатан бўлган ҳурматини йўқотади. Сабоби эса жуда оддий, хотин ўз қуроли билан, яъни меҳр-муҳаббати ёрдамида эрининг йўлини ёритиш ўрнига эрининг қуролини ўз қўлига олади. Эркакнинг қўлида ҳақиқий қурол бўлиши мумкин бўлган АҚЛ аёл қўлига ўтган заҳоти – жанговар граната маймуннинг қўлига тушгани билан тенг бўлади (граната учун узр сўрайман). Жанг майдонида ўз қуролини бой бериб қўйган жангчининг кучи эса... фақат фронт орқасидаги рўзғор ишларига ярайди, холос. Алқисса, эркак устидан қозонилган ғалаба аёлга ҳамиша мағлубият келтиради. Чунки эркакнинг ўйин майдонига ўтиб олган аёл ўз истехкомларини топшириб, ҳар бир эркакка ёқадиган аёлларга хос юмшоқлик ва беғубор ёқимтойлигини йўқотиб қўяди.

Эътироз билдираман!: Бу нима деган гап ўзи?! Муаллиф эркаклар ақлли, аёллар ақлсиз, уларга ақлнинг кераги йўқ демоқчими?!
Безабразия!!!

Узр сўрайман, ўз фикрини тўғри етказа олмаслик муаллифнинг жуда жиддий камчилиги. (Фақат шу камчилигим бўлганида жон дердим).

Биринчидан, аёлларда ақл бўлганида ҳеч қачон эркакларни севмасдилар...

Иккинчидан, нима деб ўйлайсиз, нима учун «Бунга сенинг ақлинг етмайди», деган гапни эркак зоти умуман кўтара олмайди, аёл эса бу гапга деярлик парво ҳам қилмайди?.. Чунки ҳар бир аёл ўз ақли ўзига етарли эканлигини аниқ билади, эркак эса, ҳатто ҳеч вақоси бўлмаган тақдирда ҳам, умрининг охиригача ўз ақлидан ғурурланиб яшайди.

Учинчидан, шу вақтгача ҳеч бир фан аёл ёки эркак ақллироқ эканлигини исботлай олмаган, (тўғриси айтганда, ўзини «жиддий», деб ҳисоблаган фан ҳеч қачон бунақанги бемаъни масалани ечишга уринмайди ҳам).

Ва ниҳоят, **тўртинчидан**, гап ким кучлироқ эканлигида кетаётгани йўқ, ***гап кимнинг кучи нимада эканлиги тўғрисида кетаяпти.***

Хулоса: деярлик ҳамманинг уйида болта, арра ва болға бор, лекин агар сизнинг касбингиз, асосан, ақлий меҳнат билан боғлиқ бўлса, бу асбобларни фақат онда-сонда ишлатишингиз мумкин, шунинг учун улар, кўпинча, занг босиб ётади. Дурадгорнинг уйидаги худди шу асбоблар эса ҳамиша ялтираб туриб, соз ва ўткир бўлади, чунки уларни у ҳар куни ишлатади.

Талабаларга маъруза ўқиш учун профессор минбарга қўлида арра ва теша билан чиқмайди; дурадгор сизнинг хизматингизни қилиш учун уйингизга асбоблар ўрнига китоб ва дафтар-қалам кўтариб келмайди.

Яъни, аёлга арранинг кераги йўқ, унинг Худо берган қалби, меҳри, назокати бор демоқчимиз...

Аёл киши кимга итоат этишни истайди?

Хўжайинга... Лекин аёл тушунчасидаги «хўжайин»га.

«Менинг хўжайиним», деган гап аёл кишига қанчалик ярашса, эркак кишига оилада ўзини хўжайиндек тутиш, ҳис қилиш шунчалик ярашмайди. Чунки оилада эркак хўжайин бўлиши керак, деган гап – бу гапнинг «қиз боласи».

Энди гапнинг «ўғил боласини» гаплашайлик.

Оилада хўжайин бўлишга интиладиган ва буни ҳар қадамида намойиш этадиган эркакнинг ўз оиласида айтгани-айтган, дегани-деган; у буйруқ беради, ундан ҳайиқиб туришади, «қўл остидагиларнинг» хоҳиш-истаги уни деярли қизиқтирмайди; унга итоат этишади, кўнглини олишга эмас, жаҳлини чиқазмасликка ва ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилишади, лекин уни яхши кўришлари... қийин. Бундай эрни аёл киши «менинг хўжайиним», деб аташи ва унга ҳақиқатан ҳам ўзи **ҳузур қилиб самимий итоат этиши** ҳам қийин, чунки у **эркак оилага эмас, шахсан унга хўжайин бўлишини истайди**. Нимага деганда, эркак ўз хотинига хўжайин бўлсагина, хотини оилага хўжайинчилик қила олади, акс ҳолда хотиннинг шунчаки уй хизматкоридан фарқи қолмайди. У ҳатто ўзини «уй бекаси» ҳам, деб айтолмайди. **Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир аёл учун эркак оилада хўжайин эмас, бош бўлгани муҳим.**

«Бош» эса, кўпинча, қандай вазифани бажаради?..

Тўғри! Уйлайди.

«Бош» ўйламаса-чи, нима бўлади?

Яна топдингиз! «Тана» чарчайди, чунки «бош» ишламаса, «оёқлар» «танани» чарчатади.

Сабаби, аёл эркак тимсолида ўзига ҳимоячини ахтаради. Ҳақиқий ҳимоячи қандай бўлишини эса сиз жуда яхши биласиз (ҳеч бўлмаганида ҳинд кинофильмларидан):

– кучли, ўзига ишонган, бир сўзли, ақлли, мард ва ҳар қандай масала бўйича **тўғри қарор қабул қила оладиган** ҳамда эркакка хос энг муҳим хусусиятга эга, яъни **масъулиятли**.

Аёл айнан шундай эркакка бўйсунитишни, унинг қарорига итоат этишни истайди. Лекин кўр-кўрона эмас, онгли равишда. Эркаклар учун ҳам (уларни авф этинг, табиати шунақа), ҳар қандай гапга «лаббай», деб жавоб берадиган аёлда жозиба қолмайди.

* * *

Ҳайвонот оламининг подшоси Шер билан Ҳўкиз чойхонада ўтиришса, Шернинг қўл телефони жиринглаб қолибди. У телефонни қулоғига тутиб:

- Ҳа,.. лаббай жонгинам,.. хўп,.. хўп бўлади,.. узоғи билан ўн дақиқадан кейин уйда бўламан...*
- Қизиқ, – дебди Ҳўкиз.*
- Нима қизиқ?..*
- Сиз шунчалик катта нуфузга эга бўлиб, хотинингизнинг бир оғиз гапи билан уйга отланаяпсиз...*

– Бу табиий, – дебди Шер ўрнидан тураётиб, – сенинг уйингда сени нари борса, сигир кутаётгандир,.. мени эса... Шер кутаяпти,.. Шер!

Аёл ўз оиласида «Шер» бўлиши учун, яъни Шернинг хотинидай яшаши учун эри билан Шердек олишиши шарт эмас, аксинча, у ҳар қандай олишув унга зиён етказишини яхши билади. Аёл бошлаган «уруш» унинг мағлубияти билан тугаши муқаррар, нимага деганда, қўлига «қурол олишнинг» ўзи унинг аёллик табиатига зиддир. Аёл ғалабага ҳамиша урушсиз эришади, унинг ҳақиқий кучи – ожизлигида, юмшоқлигида ва меҳрибонлигида.

«Юмшоқ» ҳамиша «қаттиқ»дан устун туради. Қаттиқ дарахтни синдира оладиган кучли шамол эгилувчан, юмшоқ дарахтга зиён етказолмайди (Конфуций, Ницше, Берунийни ўқинг). Бу – фалсафа. Истасангиз, аниқ фанларга мурожаат қилинг.

Механика ва математика

0+0+0≠1

10>01

Инсониятнинг механика соҳасидаги энг буюк кашфиёти – бу ғилдирак, математикада эса – ноль. Ҳар қандай рақамдан кейин турган **ноль** уни ўн баробар кўпайтиради, рақамдан олдин турса – ўн баробар камайтиради.

Инсон зотини яратувчиси бўлган Аёл ҳам оилавий муносабатларда ўз эрига нисбатан эгаллаб олган ўрнига қараб, унинг имкониятларига худди шундай таъсир қилиши мумкин.

«Аёлшунослик» энг ноаниқ фан

Аёлнинг юраги кўрсата оладиган йўлларни эркак ақли тасаввур ҳам қилолмайди, чунки аёл киши ҳар қандай вазиятда **тўғри йўлни ҳис қилишни билади**. Аслида ҳеч бир аёл эрига ақл ўргатишни истамайди. Сиз, айнан, у айтганидай қилишингизнинг унга кераги ҳам йўқ. У бор-йўғи сизга ўз фикрини, ўз туйғуларини, ҳаяжонларини етказишни ва улар сизнинг қулоғингизга кирганини ҳамда сиз уни эътиборсиз қолдирмаганингизни кўришни истайди, холос. Шу билан сиз уни ардоқлашга муносиб инсон сифатида тан олишингизга ишонч ҳосил қилади.

Хотинингиз ҳадеб сизга ақл ўргатаверишини истагангиз, уни ҳар бир айтган гапи учун жеркиб беринг ёки эътибор берманг, шунинг ўзи умрингизнинг охиригача қулоғингиз тинчимаслигининг исботи, бошқача айтганда, «гарантияси» бўлади.

Эркакларга оғир ботиши мумкин бўлган яна бир масала бу пул масаласидир.

* * *

- *Аёл киши ўз эрини миллионер қила оладими?*
- *Ҳа, агар эри миллиардер бўлса...*

Хотинингиз сиз топган пулларни тийинлаб тежаши мумкин, лекин пулни қанчалик қийинчилик билан топаётганингиз уни қизиқтирмайди, буни тушунтиришга уриниб ҳам юрманг, барибир тушунмайди. Чунки барча аёлларнинг қалби Сулаймон подшоҳ хотинининг қалби

билан бир хил. **Иқтисодий аҳволи қандай бўлишидан қатъий назар, хотинингиз Сулаймоннинг хотинидай яшашни истайди. Ва у бунга... ҳақли, чунки у сизнинг фарзандларингизнинг онаси.**

Мана шунақа аёл...

Ҳар бир аёл ўзининг эрига нисбатан бўлган таъсир кучини жуда яхши билади ва шунга қарамасдан, кўпинча, мутлақо онгсиз равишда, эри унга ўзининг эркаклик кучини, яъни **мустақил қарор қабул қилишга қодир эканлигини** намоён этишини жуда истайди. Нимага деганда, ҳар бир аёл фақат **ақлли, муносиб, ҳақиқий эркакка** бўйсунушни ва шундай одамнинг қаноти остида яшашни орзу қилади. Унинг онги ёки ақли эмас, айнан аёллик қалби бир нарсани аниқ билади: фақат шундай эркак уни ва болаларини ҳимоя қила олади. Айнан шундай эркакка у ўз ихтиёрини ишониб топширишга, бўйсунушга, унга итоат этишга тайёр.

Эри айнан шундай **муносиб** одам эканлигига амин бўлиш учун, аёл атайлаб эмас, мутлақо онгсиз равишда, эрига ҳамиша ўзига хос «имтиҳонлар» уюштириб туради. Хотинининг бундай шахсий «имтиҳонидан» муваффақиятли ўтган эркак эса унинг самимий, чуқур ҳурматини қозонади.

Гарчи, айрим ҳолларда хотин эрига ўз сўзини ўтказма олмаганидан хафа бўлиб, кўз ёши қилган тақдирда ҳам, эрининг қатъиятлилиги ва ўзига ишончи унга «ёқимли оғриқ» бахш этади.

Айтмоқчи, Эр ҳам Хотинни «имтиҳон» қиладими?

Гапни лўнда қилиб айтиш керак бўлганида ёки қўлингизда аниқ рақамлар бўлмаганида «фоиз» тушунчаси жуда асқотади.

Эркакнинг уйланиши унинг ҳаётига тахминан йигирма фоиз ўзгариш киритади, яъни сўққабошлигидаги кундалик ҳаётининг айрим томонларигина ўзгаради, холос.

Аёлнинг турмушга чиқиши унинг кундалик ҳаётини юз фоизга ўзгартиради, яъни у эрига ўзининг бутун ҳаётини тортиқ этади. Бу худди вояга етган катта дарахтни ўз ўрnidан кавлаб олиб, деярлик бегона тупроққа бошқатдан экишдек гап. Бу дарахтни қанчалик авайлаб, парваришлаб турсангиз, у шунча тез янги ерга кўникиб, мослашиб кетади ҳамда гуллаб, сизга мева ва соя-салқин беради. Буни боғбонлар жуда яхши билишади ва уларнинг маслаҳати билан иш тутсангиз, меҳнатингиз зое кетмайди.

Лекин бир нарса 100 фоизга аниқ, яъни сиз боғбондан маслаҳат сўраётганингизда ундан: «Янги ерга эккандан кейин, шу дарахт яхши ўрнашганлигини билиш учун, унинг шохларига мен ёки яқинларим осилиб кўрсак ёки уни тепиб кўрсак бўладими?» деган саволни бермайсиз. Чунки ҳар бир боғбон бундай савол берадиган одамнинг қайси шифокорга мурожаат қилиши кераклигини 100 фоиз билади.

Демак, хотинини имтиҳон қилиш фикри фақат заиф эркакнинг ҳаёлига келиши мумкин. Қайси жиҳатдан заиф, деган савол туғилади. Бунда, албатта, эркакнинг энг муҳим жойи назарда тутилади, яъни – калласи.

Халқимиз жуда доно, у ҳатто заиф эркаклар учун ҳам йўл-йўриқ белгилаб қўйибди (ахир улар ҳам одам-ку!), масалан: «Хотинни ур, қаерга қочишини кузат...»


Гап қурсин, қаерга олиб қочмайди...

Ҳақиқий кучли эркакларга бу гаплар ортиқчалик қилади, чунки улар учун хотинни уриш ёки «имтиҳон қилиш» онани ҳақорат қилиш ёки имтиҳон қилиш билан тенг.

Аёл итоати отани ОТА қилади

«Она» сўзи олдин пайдо бўлганми ёки «ота» сўзими? Балки, иккаласи ҳам бир вақтда пайдо бўлгандир?

Ҳечам-да, биринчи марта «она» сўзи айтилиб, неча минглаб йиллар ўтганидан кейинги-



на болалар «ота» сўзини айтишни ўрганишган. Оталар хафа бўлмасин-у, «она» сўзидан кейин «амаки» сўзи пайдо бўлган, чунки, айтайлик ўн минг йил олдин оила деганда фақат битта эр ва битта хотин бўлиши мумкинлиги одамларнинг хаёлига ҳам келмаган. Тарихчилар яхши билган «матриархат», яъни оналар ҳукмронлиги даврида ҳеч бир эркак «мана шу бола меники», деб айтолмаган, чунки қабилада қанча эркак бўлса, уларнинг деярлик ҳар бири «шу боланинг отаси» бўлиши мумкин бўлган. Алқисса, қабиладаги ҳар бир эркак ҳар бир бола учун шунчаки, «амаки» бўлиб қолган.

Майли, ўтган ишга салавот... Бугунни ўйлайдиган бўлсак, болаларимизга ҳақиқий ота бўлишни ўйлайлик. Бу эса осон иш эмас, бу ном текинга берилмайди. Бу

номга сазовор бўлиш керак бўлади, агар кимдир фарзандимиз камолини кўриб, «Бу кимнинг боласи?» деб қизиқишларини истасак, албатта...

Бола туғилиб, кўз очиб биринчи кўрган одами – унинг онаси, кейин аста-секин у отасини ҳам таний бошлайди, лекин олдинга унинг кимлигини билмайди, чунки ҳозирча у фақат онаси билан **яшайди**, ундан бир дақиқага ҳам айрилишни истамайди.

Вақт ўтиши билан у отасига ҳам боғланиб боради, аммо маълум даражада. Токи бола «эр-хотин» деган гапнинг маъносини тушунадиган ёшга етмагунича, отаси унинг учун бир масалада жумбоқ бўлиб қолади, яъни нима учун дунёдаги энг муҳим одам – онаси кимнингдир олдида бош эгиши мумкинлигини бола ҳеч қачон тушунолмайди. Аслида буни тушунишининг кераги ҳам йўқ, чунки кўрганининг ўзи етади.

Яъни хотиннинг эрига итоат этиши унинг фарзандларида отасига нисбатан ҳурмат туйғусини яратади. **Бошқача қилиб айтганда, хотиннинг эрига бўлган ҳурмати отани Ота қилади.** Лекин, тўғриси айтганда, бу гап ҳам – гапнинг «қиз боласи». Келинг, ўғил болалар хафа бўлиб қолмаслиги учун гапнинг «ўғил боласи» ҳам бўлсин: **Ота ўз фарзандларининг ҳурматини қозониши учун хотинининг ҳурматини қозониши керак бўлади.** Қандай қилиб деган масалага ўтаммиз.

Эрнинг иккинчи вазифаси?

Аллоҳ Таоло ҳар бир одамни ўз ризқи билан яратган, дейишади, бизга фақат уни териб олиш қолади, холос, ҳеч қандай муаммо йўқ. Ҳамма муаммо инсоннинг

феълидан, табиатидан бошланади. **Табиат эса одамни ҳамиша ерга тортади: тик турган бўлса, ўтиргиси келади, ўтирган бўлса, ётгиси, ётган бўлса ухлагиси...**

Лекин дўлана фақат тоғда ўсади...

Майли, вайсашнинг фойдаси йўқ, келинг яхшиси эртак эшитамиз.

Бир бор экан, бир йўқ экан... Гапнинг қисқаси бир мамлакатнинг шаҳзодаси бошқа бир мамлакат подшошининг қизига ошиқ бўлиб қолиб унга совчилар юборибди. Гўзал малика совчиларга антиқа шарт қўйибди: «Гарчи у подшоҳнинг ўғли бўлса ҳам, у фақат маълум бир ҳунар ўргансагина унга турмушга чиқаман», дейди. Шаҳзода гилам тўқишни ўрганиб олади ва ўз муродига етиб, маликага уйланади. Лекин уруш бошланиб шаҳзодани асир олиб, қул қилиб бошқа мамлакатларга олиб кетишади. Шаҳзода қул бўлиб, жуда чиройли гиламлар тўқийди. Кунлардан бир кун шаҳзода тўқиган гиламлардан бирини малика кўриб қолади ва шаҳзодани қулликдан озод этади. Улар узоқ ва бахтли умр кўришади. Эртак тугади.

Бугун 18 ёшга кирган маликаларга савол: «Сиз танлаган шаҳзоданинг аниқ ҳунари, ўзиям шунчаки ҳунар эмас, шаҳзодангиз «гулини чиқазадиган» ҳунари борми?.. Ёки у шунчаки «Шамолтрест»да катта муҳандисми?

* * *

- *Мени ишга олинг...*
- *Қўлингдан нима иш келади?*
- *Ер қазिशим мумкин...*
- *Яхши, яна нима иш қила оласан?*
- *Қазимаслигим мумкин...*

Дунёни ҳомиладор аёллар қутқаради

Табиатнинг ўзи одамзотни қизиқтирган барча саволларига жавоб бериб қўйибди, бош қотириб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ.

Ҳомиладор аёлларни ҳеч кузатганмисиз?

Улар ўта нафосатли, мулойим, хотиржам, ширинсўз бўладилар. Аёлликнинг барча қирралари уларда энг гўзал кўринишда намоён бўла бошлайди. Сабаби оддий, улар иш билан банд, дунёдаги энг муҳим иш – яратиш иши билан банд. Уларнинг бутун вужуди, ҳар бир ҳужайраси бу ишга жалб қилинган бўлади, шунинг учун улар ҳақиқий аёлга айланишади. Ўз ожизлигини яшириш у ёқда турсин, очиқ намоён этишади, кўзлари ва юзларидан эса нур таралиб туради.

Хўш, эркаклар-чи, улар ҳомиладор бўлолмайдикун, улар қачон, қандай қилиб шунчаки табиий ҳолда **ҳақиқий эркакка** айланиши, эркаклигини намоён этиши мумкин? Ўйлаб ўтирманг, тополмайсиз, чунки жавоб жуда пухта яширинган.

Эркак ҳақиқий эркакка айланиши учун «ҳомиладор» бўлиши керак, аммо маълум бир фаолиятга, ишга, ҳунарга.



Аёл ҳомиладор бўлганида ҳар қандай эркак унга нисбатан ўта эътиборли бўлгани каби, ўз ишига «ҳомиладор» бўлган эри учун аёл ҳар қандай қурбонликка тайёр бўлади.

Бир мисол устида бош қотириб кўринг, гарчи бу мисол ўзга юрт ва ўзга миллат ҳаётидан бўлса ҳам. (Айтмоқчи, донолик ва нодонликнинг, эзгулик ва ёвузликнинг, меҳнатсеварлик ва дангасаликнинг миллати бўлмайти.)

Бутун дунёга машҳур автомобиль компаниясининг асосчиси Генри Форд қирқ ёшигача турли хил ишларга қўл уриб кўрган ва ниҳоят автомобилларга қизиқиб қолган. У олти ой давомида ўз гаражидан чиқмасдан туну кун ишлаган. Хотини эса шу вақт давомида оилани боқиш учун уй анжомларини сотишга мажбур бўлган. Олти ой ўтгач, Генри Форд ўз гаражидан янгича принципда ишлайдиган автомобилни ҳайдаб чиққан ва шу автомобиль кейинчалик унга катта давлат ва шон-шуҳрат олиб келган. Генри Форд буюк одам бўлган. Лекин, айтинг-чи, болаларининг ризқини қирқиб, уй анжомларини сотиб бўлса ҳам, эрининг иши қандай натижа билан тугагини билмасдан туриб, унга олти ой давомида гаражга овқат олиб бориб бериб туриш учун унинг хотини сабр-тоқатни, доноликни, қолаверса, буюкликни қаердан олди экан?.. Ўйлаб кўринг! Гап бу ерда фақат Генри Форднинг шахси ёки хотинининг феъл-атвори ҳақида эмас.

Оиланинг боқувчиси бўлиш, хотин, бола-чақанинг барча ҳаётий эҳтиёжларини қондириш осон иш эмас. Бунинг учун эркак киши маълум бир фаолиятга «ҳомиладор» бўлиши керак бўлади. Яъни у бу фаолиятга бутун вужуди билан берилиши, шу фаолият билан уйғониб, шу фаолият билан уйқуга кетиши керак бўлади.

«Фақат кўлингдан келадиган ишни қил, лекин бунга бор кучингни сарфла».

Масала фақат қайси, касб қандай фаолиятни танлаш керак, деган саволга бориб тақалади. Биринчи бўлиб келадиган жавоб: албатта, кўпроқ пул келтирадиган фаолиятни-да!

Бироз орқага қайтамыз. Айтинг-чи, аёл ўз юрагининг тагида тўққиз ой кўтариб юрган боласидан бирон фойда, наф олишни ҳеч хаёлига келтирадими?..

Жавобни топдингиз. Сиз танлаган фаолият ҳам токи сизга жону дилдан ёқмас экан, унинг наф келтириши қийин бўлади. **«Юрагинг қаерда бўлса, хазинанг ҳам ўша ерда».**

Касб танла йигит, касб!

Касб танлай олмасанг, халқ мақолларини ўқи. Масалан: «Қиз берсанг, отасига қараб бер, қиз олсанг, онасига қараб ол». Бу мақолнинг асосли эканлиги нимада? Ўз ҳаётини тартибга сола олмаган ота ўз ўғлини касб-корли қилиши қийин эканлиги айтилмоқда. Хотин ўз эрига қандай муомала қилса, қизи ҳам сенга худди шундай муомала қилиши уқтирилмоқда. Қиз танлаш ҳуқуқига эга бўлишни истасанг, касб танла.

Касб танла, йигит, касб!

Лирик чекиниш

«Бўйдоқнинг ақли икки кўзида»

Касб-кори ва умр йўлдошини одамлар, одатда, кўркўрона, яъни фақат умумий тасаввурга эга бўлиб, лекин уларнинг «асл мазасини» билмасдан туриб танлашади.

* * *

Илк бор биринчи синфга борган бола мактабдан қайтиб келганидан кейин уйига кириб, сумкасини отиб юбориб, диванга ўтириб олди ва ота-онасига қараб жаҳл билан деди:



– Бу дардисар ўн йил давом этади, деб огоҳлан-тирсаларинг бўлмасмиди?!

Қовунларнинг тури ва нави беҳисоб, лекин ҳатто бир хил навдаги мингта қовуннинг мазаси минг хил бўлади. Уларнинг орасида хомлари, чала пишгани, етилгани, пишиб эзилиб кетгани, ачигани, заққумдай аччиқлари ҳамда, ичидан чириганлари ҳам бор.

Айтмоқчи, деҳқонларнинг айтишича, кўпинча, ташқи кўринишидан чиройли бўлган қовунлар аслида бемаза; кўримсиз қовун эса, кўпинча, ширин бўлиб чиқар экан. Балки шунинг учун эскилар уйланишни қовун танлаш билан қиёслашгандир.

Шу нуқтаи назардан уйланиш ва турмушга чиқиш масаласида ота-онанинг тажрибаси, маслаҳатининг аҳамияти озмунча эмас (айниқса, ота-оналар бахтли ҳаёт кечиришаётган бўлса).

Қолаверса, йигит ва қиз бир-бирининг кўнглини овлаб юрган даврда икковлари ҳам ўзларининг «энг муносиб турмуш ўртоғи» ролини ўта моҳирона ўйнашади ва бундай шароитда одамнинг ҳақиқий чехрасини кўриш қийин. «Ёмғир куни от танлама, ҳайит куни қиз танлама!»

Аёлнинг оиладаги иккинчи вазифаси

(Жаннатдан ҳайдалган ҳамиша жаннат ахтаради)



Уй бекаси вазифасини ба-жариш учун аёл ўз уйини жаннатга айлантириши керак деб, жуда ҳам ошириб юбормадик-микан?

Эркак оила тебратишга маб-лағни фақат оиладан ташқарида топа олади. Бу ишни уддалаш учун эркак ҳар нарсага тайёр. Аёвсиз кураш... Бу курашга у ўз вақтини, куч-ғайратини, асабларини сарфлайди. У ҳамма вақт ҳам ғолиб бўлиб чиқавермайди, дакки ейди, иззат-нафсига озор етади ва ҳоказо. Кўчада «йўқотган» нарсаларини эса у фақат ўз уйида «топа олади». Яъни жисмонан ва руҳан дам олади, ҳурмат-эҳтиром кўради, моддий ва маънавий озуқа олади... Унинг учун бу жаннатнинг ўзгинаси.

Хўш, бу «жаннат»нинг жаннатлиги нималарда намоён бўлади?..

Ишдан қайтиб эшикни очиб уйга кирдингиз, биринчи бўлиб, сизни кўришдан шод эканлиги шундоққина юзларида кўриниб турган фаришта кутиб олади (гарчи чарчаганидан оёғида зўрға турган бўлса ҳам).

Кийимларингизни алмаштириб, ювиниб-таранишингиз учун ҳамма нарса тайёр (гарчи фақат бир жуфт кийимингиз бўлса ҳам).

Юмшоқ кўрпачалар тўшалган, ёстиқлар тахланган, атроф жим-житлик (гарчи уйингизда тўртта тирмизак ўсаётган бўлса ҳам).

Хонтахтада иссиққина чой дамлаб қўйилган, ошхонадан таралаётган овқатнинг ҳиди бурнингизни қитиқлайди (гарчи фақат бир кунлик егулик қолган бўлса ҳам).

Фаришта овқатни сузиб олдингизга қўйди, чой узатиб, табассум билан сизга термулиб ўтирибди (гарчи бугун ҳам пул олиб келмаганингизни аниқ билиб, пешонангиздан дарча очиб қўйишни истаётган бўлса ҳам).

Эрталаб турсангиз, нонушта тайёр (гарчи охириги тухум сизга қовурилган бўлса ҳам).

Кийимларингиз ювилиб, дазмоллаб қўйилган (гарчи тоғора тешик, дазмол отамнинг замонидан қолган бўлса ҳам).

Қаранг-а, бу ғирт жаннат, хотинингиз эса фариштанing ўзгинаси!

Аммо лекин бир «лекин»и бор... Бу «лекин» юқорида қайд қилинди, лекин сиз унга эътибор бермай ўтган бўлишингиз мумкин: **Агар ёнингда фаришта яшашини истасанг, унга жаннатдагидек шароит яратиб бер.**

Эркак: *Раҳмат сизга, муаллиф, хотин зоти қандай бўлиши кераклигини кўрсатиб қўйинг, бу сочи узунларга!*

Аёл: *Раҳмат сизга, муаллиф, ҳамма гап хотин учун шароит яратишда эканлигини яхшилаб тушунтиринг бу тепса-тебранмасларга!*

Энди навбат ечими энг мушкул бўлган масалага келди.

Ким биринчи бўлиб ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга киришиши керак?..

Эркак «боқувчи»лик вазифасини бажариб, уйни тўлдирадими ёки ундан олдин хотин уйни «жаннат»га айлантирадими?..

Билмадик.., кимнингдир эри ақлли.., кимнингдир хотини меҳрли... Билмадик, ҳозирча билмадик...

Бир гапни аниқ айтиш мумкин, уйдан «жаннат» топмаган эркак, айрим ҳолларда, «жаннат»ни бошқа ердан ахтара бошлайди, (жаҳл қилманг, унинг табиати шунақа). Бегона эркакка вақтинча бўлса ҳам, «жаннат» ярата оладиган аёллар эса оз эмас, буни биласиз...

Бу мавзуга унчалик тўғри келмаса ҳам, лекин бошқа мавзуларга «сиғмай қолган» яна бир гап бор: **«Эрини тарбиялашга уринаётган аёл, уни ўзга аёл учун тайёрлаётган бўлади».**

Эр-хотинларнинг деярлик бир хил учинчи вазифаси

Фарзандингиз қандай инсон бўлишини ва қандай яшашини истайсиз, деган саволга ҳамма ота-оналар ҳамиша бир хилда жавоб беришади:

- **соғлом;**
- **ақлли;**
- **бадавлат;**
- **эл-юртда обрў-эътиборли;**
- **бахтли...**

Айнан шундай бўлиши учун нима қилиш керак, деган саволга эса камида ўн қоп гап гапиришади. Ўн қопдан тўққизтасидаги гапларга эса ўзлари амал қила олмайдилар, бажара олмайдилар, чунки... вақтида яхши ўқишган, аммо амалда кўришмаган...

Ҳозир тушуниб оласиз...

Нима деб ўйлайсиз, ота-онангиз гўдаклигингизда сизнинг қандай инсон бўлиб вояга етишингизни ва қандай яшашингизни исташган?..

Албатта, сиз ҳозир фарзандларингизга нисбатан нимани истаётган бўлсангиз, улар худди шуни исташган...

Хўш, сиз ҳозир ота-онангиз истаган инсон бўлиб етишиб, улар орзу қилганларидек яшаяпсизми?..

Бу саволга жавоб беришга шошилмай, «дўппини қўйиб» жиддий ўйлаб кўриб ўзингиз учун маълум бир хулосага келсангиз, «бу иш» кўзингиздаги «катаракта» нинг олиб ташланиши билан тенг бўлиши ажабмас.


Агар «Ҳа», деб жавоб берсангиз, сизни табриклаймиз. Агар «Йўқ», деб жавоб берсангиз, кейинги саволларга ўтамиз.

Ота-она қизини ва ўғлини болалигидан бошлаб қандай «муҳим иш» учун тайёрлайди?..

Ўғлини – эр бўлишга, қизини – хотин бўлишга! Хўш, ўғил бола гўдаклигидан бошлаб «яхши эр» бўлишни, қиз бола эса «яхши хотин» бўлишни кимдан ўрганади?..

Кўрдингизми, дарров топдингиз: ўғил бола – отасидан, қиз бола – онасидан. Ҳаммага маълум бўлган бу оддий ҳақиқатнинг жуда мустаҳкам асоси бор.

Психология



Психология фанининг ичига қадам қўймасдан, шунчаки бир эшигидан мўралаймиз.

Инсон онги у тилга кирганидан бошлаб ривожлана бошлайди ва тахминан 14–15 ёшларигача ривожланиб бўлади.

Онгдан бошқа «ички онг» («подсознание») деган тушунча ҳам бор-ки, у ҳанузгача тўла ўрганилмаган. Лекин шу кунгача унинг антиқа хусусиятлари аниқланган:

– у бола туғилмасидан олдин, ҳомила пайтиданоқ ривожлана бошлайди;

– бола тахминан 5–6 ёшга кирганида унинг асосий пойдевори яратилган бўлади;

– одам умрининг охиригача унинг ҳатти-ҳаракатларини билвосита бошқаради;

– у тилдан кўра, кўпроқ тасаввурлар билан фикрлайди;

– «вақт» тушунчасини билмайди;

– авваламбор, ота-она, кейин атроф-муҳит таъсири остида шаклланади.

Ҳозирча шулар етарли. Энди ички онг ривожланишининг амалда қандай қилиб намоён бўлишини кўрайлик.

Эр-хотинлар суҳбатлашиб ўтиришибди, хонанинг нариги чеккасида эса 3 ёки 6 ойлик чақалоқ ўйнаб ётибди. У ҳали гапга тушунмайди, ҳеч нарса билмайди. Лекин эр-хотинларнинг ҳар бир сўзи унинг ички онгида маълум нуқта, белги қўйиб боради ва у нарсани худди магнитофон лентасига ўхшаб ёзиб олади. Агар

бу қиз бола бўлса, онасининг эрига гапираётган гапларидан: **«Қизим, эринг билан мана шундай гаплашинг керак...»** деган маънони ёзиб олади. Агар у ўғил бола бўлса: **«Ўғлим, хотин билан мана шундай муомала қилиш керак...»** деган маънони ёзиб олади. Эрхотинлар нима ҳақда гаплашаётганликларининг эса умуман аҳамияти йўқ.

Ишонмайсизми?.. Текшириб кўриш жуда осон, бир саволга жавоб топсангиз бўлди: бир ойлик гўдакка хўмрайиб қарасангиз йиғлайди, кулиб қарасангиз табассум қилади. Ҳеч кимни танимайдиган, ҳеч нарса билмайдиган гўдак нега бундай «жавоб қайтаради?»

Агар илм-фан сизни чарчатиб қўймаган бўлса, мавзуга қайтамиз.

«Ота» вазифасини бажариш учун эр ўз хотинини севиб, ҳурмат қилса ва ўз ҳаётида ҳақиқий эркакдек яшаса, у ўз фарзандларига энг яхши тарбияни берган бўлади.

«Она» вазифасини бажариш учун хотин ўз эрини ҳурмат қилса ва фарзандларига оналик меҳрини бера олса, уларга энг яхши тарбияни берган бўлади.

Аслида ота-она тарбияси – шахсий ибратдан бошқа ҳеч нарса эмас. Мантиқий мулоҳаза юргизиш, тушунтириш, изоҳлаш, асослаш каби ҳаракатлар илм-фанда ёки суд жараёнида қанчалик ўринли бўлса, бола тарбиясида худди шу ҳаракатларни қўллаш – елпиғич билан чивинларни қувиб ўтириш билан тенг. Алқисса, **болага тушунтириш ёки уқтиришни истаган, ҳар бир гапини ўзига нисбатан қўллаган ота-она бола тарбияси масаласида даҳога айланиши ҳеч гапмас.**

Лирик чекиниш

«Қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан»



«Статистика ходимлари ассоциацияси»нинг маълум қилишича, эр-хотинларнинг ўзаро муносабати, уларнинг бахтли (ёки бахтсиз) оилавий ҳаёти аксарият ҳолларда фарзандларнинг оилаларида ҳам такрорланар экан. Яъни, фарзандлар

ўз оилавий ҳаётида ота-оналарининг ҳаёт сценарийларини такрорлашар экан.

Демак, фарзандлар ҳаётига қайғуришдан олдин эр-хотинлар ўзларининг бахт-саодати тўғрисида қайғуришса, сценарий танловларида ғолиб чиқишса ажаб эмас.

Рашк – бу қўрқув



Ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам алдаманг. Рашк туйғуси – ўзи севган одамга ишонмасликдан эмас, аксинча, рашкчи ўзига ишонмаслигидан, аниқроғи севимли бўлишга муносиб эканлигига ишонмаслигидан келиб чиқади.

Ҳайвонлар (одамсимон маймунлардан ташқари) рашк нималигини билмайди ва иккита ҳўкиз ҳар бири ўз кучи-

га ишонгани учун битта ғунажин учун жанг қилади. **(Ақл-идрок йўқ жойда жисмоний куч ишлатилиши табиий ва бу гап фақат ҳайвонларга тааллуқли эмас).**

Одамлар эса рақобат бор жойда жуда ғалати йўл тутишади: **улар рақиб билан эмас, ўз севгилиси билан жанг қилишади.** Турган гап-ки, бундай пайтларда одамнинг мияси, кўпинча, дам олиб туришини назарда тутсак, эркак ҳўкизга ўхшаб, ўз мушакларини, аниқроғи, муштини ишлатади. Рашкчи аёл эса ўз тилидан эгов сифатида фойдаланади.

Одамларни ҳайвонлар билан таққослаш яхши эмас албатта, лекин, рашкчи эр ҳақиқатдан ҳам кўзи кўр ҳўкизга, рашкчи аёл заҳарли чаёнга айланиб қолишини ўз кўзи билан кўриб, улар билан инсоний муносабат ўрнатишга уринаётган одамлар бошқача таъсир топа олмаганларидан кейин, нима ҳам дердик. Қолаверса, ўзлигини, ўзининг кимлигини яхши билган одам ҳар қандай таққослашга ҳам хафа бўлмаса керак.

Бундай таққослашдан хафа бўлганлар учун эса ҳайвонлар ҳаётидан бир мисол.

Зоопсихология билан шуғулланувчи олимлар тажриба ўтказишган. Улар одамсимон маймунлар тоифасига кирувчи гориллалар яшаб турган катта қафас орасига ойна-тўсиқ қўйиб бошқа эркак гориллани кирғизишган.

Гориллалар оиласининг бошлиғи унинг ҳудудига яна бир «сардор» кириб келганини кўрганидан кейин ҳақиқий ҳалокат юз берган. У теварақтаги ҳамма нарсани вайрон қилиб, тўдасидаги эркак ва урғочи маймунлар билан жанжал бошлаб, қўлига илинган болаларни ҳам ҳар томонга улоқтириб ташлаган. Ўз қўл остидаги-

ларни асраш ўрнига уларнинг ярмини майиб қилиб, ярмини ўлдирган. У ўз кучини кўрсатган, албатта, лекин у адолат ўрнатди, дейиш қийин. Бундай томошадан кейин тўданинг бошқа аъзолари ҳам эндиликда уни етакчи сифатида тан олишлари ҳам амри маҳол бўлса керак...

Тажрибанинг асл моҳияти маймунлар «сардори» ҳақиқий рашк туйғусини сезиб, ўз тўдаси устидан ҳукмронликни бой бериб қўйишдаги кўрқувидан иборат. Биолог олимлар эса **кўрқув ҳис қилаётган одамнинг ҳам, рашк қилаётган одамнинг ҳам танасида бир хил биологик ва кимёвий жараён кечишини исботлаб беришган.**

Тўғриси айтганда, шу каби туйғулар ва рашкка берилган одам ҳам бу маймунлар сардоридан фарқ қилади деб айтиш қийин. Ва бундай одам, кўпинча, ўзига ва яқинларига, худди шу сардорга ўхшаб зиён етказди.

Рашкчи нимадан кўрқади?

Ўз севгилиси бошқа бирор одамни ундан афзалроқ кўриб қолишидан кўрқади.

Агар мен ўзимни маълум жиҳатдан кам-кўстли одам деб ҳисобласам (*бўйи-бастим, юз-кўзим, маълумотим, бойлигим, мансабим, обрўйим, маданиятим, салоҳиятим, шалпанг қулоғим, йиртиқ пайпоғим...*), яъни «севимли бўлишга унчалик муносиб эмасман», деган гумоним бўлса, унда мен севган одамим бундай «камчиликлари» бўлмаган одамни севиб қолиши

мумкинлигининг ўзи мени даҳшатга солади. Ва бу табиий, чунки ўзимни ўзим севмаганимдан кейин, **менинг бахтим бошқа биров** (севгилим, жуфти-ҳалолом, ота-онам) **мени севиш-севмаслиги билан тўла-тўкис боғлиқ бўлиб қолади.**

Ўзини севмаслиги, ҳатто ёмон кўриши рашкчининг хаёлига ҳам келмайди, чунки бутун хаёли қўрқув исканжасига олинган бўлади. Қўрқув бошланган жойда эса фикр тўхтади. Бундай ҳолда хаёл тўрт томонга олиб қочади, ҳеч бир мантиққа сиғмайдиган вазиятларни тасаввур қилади, йўқ ердан бор қилади, яққол кўриниб турган нарсани йўққа чиқаради. **У фақат битта мақсад – севгилисини фош қилиш мақсади билан яшай бошлайди.** Қарабсизки, ширингина ҳаёт дўзахга айланади, яъни қўрқув туйғуси одамни ўзининг доимий истиқомат қиладиган маконига – жаҳаннамга олиб келади. Фильм тугади.

Бу гапларни рашкчи одам ўқиб эсини йиғиб олар деган ниятда айтаётганимиз йўқ. Бу жуда бемаъни ният, чунки маълум бир ёмон феъл-атворли одамларни танқид ёки масхара қилиш ҳеч қачон наф бермаган. Қолаверса, ҳақиқий рашкчи одам бу гапларни ўқиб, бошқа бировни таниши турган гап-у, лекин ўзини танимайди.

Ниятимиз – фарзандларингизнинг бундай дардга чалинишига йўл қўймасликда. **То етти ёшга тўлгунича, бола кун давомида ўзини қандай тутганидан қатъий назар, она қизининг бошини, ўғлининг елкасини бир марта силаб қўйишни одат қилиб олган бўлса, шунинг ўзи етарли.**

Айтмоқчи, ҳаддан зиёд меҳрга тўйдириб ҳам юборманг, акс ҳолда натижа яна ўша-ўша бўлиши мумкин...

P.S. Одам ҳамиша мураккаброқ тизимни бошқаришга уринади, яъни ўзидан «мураккаброқ» одамни. Агар у («мураккаброқ одам») назарий жиҳатдан қаршилиқ кўрсатиши мумкин бўлса-ю, (масалан, рашкчининг бемаъни гапларига), лекин бу ишни қилмаса, ана унда рашкчининг ҳукмронлик қилиш истаги тўла бебошликка айланади.

Айтмоқчи, аёл у ёки бу тарзда эркакни бошқаришга уринган жойда аёллар рашки пайдо бўлади.

Рашк шунчаки туйғу эмас, уни ўзига хос касаллик деб ҳисоблаш мумкин ва бу касалликнинг илдизи, юқорида айтганимиздек, одамнинг ўзига нисбатан бўлган ёмон муносабатига бориб тақалади. Бундай муносабатни ўзгартириш эса ҳар кимнинг ўз қўлида. Ушбу жуда муҳим бўлган масалага ҳали қайтамиз.

Лирик чекиниш

«Агар юксак ҳавасларга интилмасак,
унда арзимаслари бизни енгади»

Инсон ақли билан нимаики яратилган бўлмасин – бари эҳтиёж, зарурат туфайли яратилган. **Маълум эҳтиёжни қондириш учун яратилган нарса вақт ўтиши билан ўз моҳиятини йўқотиши ёки ўз моҳиятининг тескарисига айланиши мумкин.**

Ов қилиб одамларни боқиш учун яратилган одамзод тарихидаги энг биринчи мукамал қурол – ўқ-ёй бугунги кунда спорт анжомига айланган, унинг ўрнини босган замонавий қуролларнинг барчаси эса одамни боқишга эмас, ўлдиришга хизмат қилади.




Ахборот ва билим тарқатишда вақтни тежаш учун яратилган телевидение бугунги кунда айрим одамлар учун ўзининг қимматли вақтини бир амаллаб йўқ қилишга хизмат қилади.

Эҳтиёжларингизни қондиришга уринаётганингизда масаланинг бу томонини ҳам инобатга олиш фойдадан холи эмас.

Ҳар қандай назария исбот талаб қилади

Бировга ақл ўргатиш одамга лаззат бағишлайди, лекин ҳар доим ҳам эмас. Бировга бермоқчи бўлган ақлингизни қанчалар кўп ўзингизга ишлата бошласангиз, уни бошқаларга бериш истаги шунчалик камайиб боради. Ўз ақли билан яшаётганлар ўз умрини мўъжизага айлантиришади, бунинг уддасидан чиқа олмаганлар эса, қандай яшаш керакли-



гини бошқаларга ўргатишга уринишади (шу жумладан китоб орқали ҳам).

Бироқ китоб ҳазил гап эмас. Уни сизга эътироз билдиролмайдиган бир-икки қариндошингиз ёки фарзандингиз эмас, минглаб доно одамлар ўқийди.

Шундай экан, навбат эр-хотинлар зиммасига юклатилган вазифаларни асослаб беришга келди.

Бунинг учун оддий арифметикадан фойдаланамиз ва юқорида қайд қилинган эр-хотин вазифаларини қўшиб, ҳар бирини тартиб рақами билан белгилаб чиқамиз, яъни:

- | | |
|--|-----|
| – Эр (мустақил қарор қабул қилувчи) | – 1 |
| – Боқувчи (хотинини моддий ва маънавий ҳимоя қилувчи) | – 2 |
| – Ота (хотинини севиб, ҳурмат қилувчи) | – 3 |
| – Хотин (эрига итоат этувчи) | – 4 |
| – Уй бекаси (эри учун уйни «жаннат»га айлантирувчи) | – 5 |
| – Она (эрини ҳурмат қилувчи) | – 6 |
- Энди бир «формула» ёзамиз (бошқа иложи йўқ):

$$4 + 6 = 2$$

«Формула» хато эканини кўриб турибсиз, лекин шошилманг, бу шунчаки сонлар эмас. Агар **4** (хотин эрига итоат этса) + **6** (эрини ҳурмат қилса) = **2** (эри хотинини моддий ва маънавий ҳимоя қилувчига айланади).

Бу «формула» тескарисига ҳам ишлайди:

$$2 = 6 + 4$$

Яъни, **2** (агар эр ўз хотинини моддий ва маънавий ҳимоя қила олса) = **6** (хотини эрини ҳурмат қилади) + **4** (эрига итоат этадиган бўлади). Иккала «формула» қўшсак, **биринчи асосий «формула»** келиб чиқади:



$$4 + 6 = 2 = 6 + 4$$

Иккинчи «формулага» ўтамыз:

$$1 + 3 = 5$$

Сонларга изоҳ бериб ўтсак, «формула» қуйидагича ўқилади: Агар **1** (эр оилада мустақил қарор қабул қилса) + **3** (хотинини севиб ҳурмат қилса) = **5** (хотини уйни эри учун «жаннат»га айлантиради). Бу «формула» ҳам, худди биринчисига ўхшаб, тескарисига ҳам ишлайди:

$$5 = 3 + 1$$

Яъни, **5** (агар хотин уйни эри учун «жаннат»га айлантиришга ҳаракат қилса) = **3** (эри уни севиб, ҳурмат қиладиган бўлади) + **1** (эри мустақил қарор қабул қилишга қодир бўлади).

Шундай қилиб, **иккинчи асосий «формула»** келиб чиқади:

$$1 + 3 = 5 = 3 + 1$$

Иккала «формуладан» қуйидаги хулоса келиб чиқади:

Агар эр ва хотин оиладаги ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришса, улар оила ҳаётидаги ҳар қандай муаммони ўз зарарига эмас, фойдасига бемалол ечишга қодир бўлишади.

Эътироз билдираман! Бекорларни айтибсиз! Назария бошқа, ҳаёт бошқа. Ҳаётда шундай эрлар бор-ки... Ҳаётда шундай хотинлар бор-ки... Бурнининг учидан нарини кўрмайди; на меҳнатининг, на ўзининг кадрингга етмайди; «Берсанг, ейман, бермасанг ўламан», – дейди; сочидан тили узун, ақлидан бўйи узун, одатлари-чи!.. Ишқилиб, айтсам тилим куяди, айтмасам дилим!..

Гарчи биз оила қуришга тайёрланаётганларга мурожаат қилаётган бўлсак-да, эътирозингиз қабул қилинади ва сизга фақат тасалли беришимиз мумкин, холос.

Қўлимиздан келганича ва қисқа тарзда.

Тасалли:

- *Уйланаётганингизда (турмушга чиқаётганингизда) кўзингиз қаерда эди, ҳозирги ақлингиз нима билан банд эди?..*
- *«Узумнинг сарасини ит ейди».*
- *«Ўхшатмасдан учратмас».*
- *«Тенг тенги билан, тезак қопи билан».*
- *«Мен бировни уч пулга олмайман, биров мени бир пулга олмайди».*
- *«Ашулам кўп, овозим йўқ».*
- *Баттароқ нарса тўғрисидаги фикр, «ёмон»ни «яхши» қилади.*
- ...

Лекин, барибир, эътирозингизда «жон» бор.., ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Бировнинг турмушига аралашиш – уни бузиш билан тенг, чунки ҳар бир оила ўзи бир дунё. Бироқ нимаям қилардик, **«Қўлидан келадиган – қилади, қўлидан келмайдиган – ўргатади»**. Қолаверса, ҳамма дардга даво бўла оладиган дори бўлмайди, аммо бу дарддан қутулишнинг иложи йўқ дегани эмас. Гап шундаки, «қарс» ҳамиша икки қўлдан чиқади. Агар хотин ёки эр бир-бирига муштларини тугмасдан ҳеч бўлмаганида бир кафтини очик ҳолда тутса, (яъни ҳеч нарсага қарамасдан оиладаги ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилса) эртами-кечми унинг умр йўлдоши, ҳатто кўзлари кўр бўлган тақдирда ҳам, пайпаслаб бўлса ҳам, бу очик кафтни топади ва ўз кафти билан «қарс» садосини чиқаради.

Агар эрингиз (хотинингиз) кафтини очиб, сизнинг кафтингизга уриб «қарс» чиқаришни истаса-ю, сиз қўлларингизни олиб қочсангиз, унда у кафти билан бошқа бир жойингизга уриб «қарс» чиқаришга уриниб кўриши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Эскиларнинг гапи тўғри...



Эскиларнинг гапи деб бундан юз, минг йиллар олдин айтилган мақол ва маталларга айтишади. Гарчи ҳозирги замонда ҳатто кечаги гапни ҳам «эски» деб ҳисоблашса-да, **отабоболаримиздан қолган гапларда дунё ҳикматлари**

ййғилган, агар гапнинг асл маъносини англай билсак, албатта...

Эскиларнинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги гапларини эслашдан олдин, келинг уларнинг оилавий ҳаётларини эслайлик. Кўпдан-кўп адабий, тарихий, тасвирий ва ҳоказо манбаларнинг гувоҳлигича, қизни турмушга узатиш масалаларини тўла-тўқис ота-она, тўғрироғи, ота ҳал қилган, ёшларнинг хоҳиш-иродаси умуман инобатга олинмаган. Аксарият ҳолларда, хотин киши уйда деярли ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлмаган. У оилада эрнинг мулки, хизматкори, қули, фарзанд туғиш воситаси бўлган.

Хотин эрига хиёнат қилса, уни тошбўрон қилишган, эркак киши хотинига хиёнат қилганида эса... унга бери-

ладиган жазо тўғрисида эскилардан аниқ айтилган гап қолмаган. Аёлнинг пешонасида кундошлик «қисмати», эркакнинг пешонасида тўрт хотинлик «қисмати» ёзилган.

Ажралиш масаласи эркак учун қанчалик осон бўлган бўлса, аёл учун шунчалик қийин бўлган. Бу – эскилар ҳаётининг энг қисқа ва умумлаштирилган баёни.

Энди уларнинг ҳаётда энг кўп ишлатадиган мақол ва ибораларига эътибор берайлик.

Биринчи гап: «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин». Бу гапни эшитган одамга оиладаги масъулият батамом хотинлар гарданига юклангандек эркак эр бўлиши учун эса биронта ҳам иш қилиши шарт эмасдек туюлади. Хотин эса хоҳласа (ёки кўлидан келса) уни эр қилади, хоҳламаса (ёки кўлидан келмаса) уни «қаро ер» қилади. Ўзиям шунчаки ер эмас, балки Россия тупроғига ўхшаган «қора ер» қилади.

Бу мақол эрлик вазифаларини тўла-тўқис адо этишга «қийналадиганларнинг» кўнглига оро киритади, чунки одам зоти ўзини оқлаш учун минг бир сабаб ўйлаб топишга, ҳар қандай бемаъни гапни ҳам ҳақиқат деб тан олишга ҳамиша тайёр туради. Лекин бу мақолнинг бир нозик жойи бор: у эркаклар эмас, аёллар тилидан айтилган. Яъни ўтмишда момоларимиз бу гапни ўз қизларига оилада хотиннинг ўрни жуда муҳимлигини, унга кўп нарса боғлиқлигини уқтириш ниятида айтишган.

Бу «гапнинг қиз боласи» эди, энди «ўғил боласини» эшитинг.

Иккинчи гап: «Эр бўл, эр бўлмасанг, қора ер бўл».

Узоқ ўтмишда «махр» деган тушунча бўлган. «Махр бериш» деганда уйланаётган эркак келинга маълум мулк, бойлик бериши назарда тутилган. «Махр»нинг миқдори мабодо эр ўлса ёки хотинини талоқ қилса, аёл ўзини ва фарзандларини боқишга бемалол етадиган даражада бўлиши керак бўлган.

Махр беролмаган, аниқроғи хотинига «бериш» учун ўз уйи бўлмаган эркак ҳаётдан уйланмай ва бола-чақа қилмасдан ўтган. Чунки дунёда қашшоқлик ҳукм суриб, ҳар ким кўрпасига қараб оёқ узатишга мажбур бўлган, лекин ҳар бир эркак эр бўлишга интилиб яшаган.

Бугунги кунда «кўрпалар» анча узайиб, оёқни унга «қараб узатиш»га зарурат қолмади, мабодо оёғинг ёки бошинг очиқ қолган тақдирда ҳам ота-онанг бошқа кўрпа билан ёпиб қўйишади. *(Астағфируллоҳ.., сал бўлмаса эр бўлишга зарурат қолмади, деб айтгим келди.)*

Лекин бугун ҳам эр бўлишга интилаётганлар, «оёққа туриб олмагунимча уйланмайман», деб аҳд қилганлар ҳам оз эмас. Айримлар ўз ақли билан бундай қарорга келишади, айримларига эса – «энди аравангни ўзинг торт», деб айта оладиган доно оталар «ёрдам» беришади.

Пўчоқ ва мағиз

Ҳар бир мева ҳамда сабзавотнинг пўчоғи ва мағизи бор. Пўчоғи доривор бўладиган мева-сабзавотларнинг (суюқлик учун идиш қилиб ясаладиган қовоқни айтмаган-

да), пўчоғи мағизидан қадр-лироқ бўлгани йўқ.

Инсоннинг ҳам, худди мевалардек, ташқи ва ички қадри бор дейиш мумкин.

Эркакнинг эркаклиги унинг жисмоний кучида, ҳақиқий кучи эса ақлининг кучида намоён бўлади.



Аёлнинг аёллиги унинг ташқи гўзаллигида, ҳақиқий гўзаллиги эса қалбининг гўзаллигида.

Шу нуқтаи назардан, таъбир жоиз бўлса, эркакнинг мағизи – унинг ақли, аёлнинг мағизи – унинг қалби, деб айтиш мумкин.

Лекин инсон мева-сабзавот эмас-ки, шунчаки бировга ем бўлса ёки чириб йўқ бўлиб кетса.

У ўзини, ўзлигини намоён этишни, ҳаётда из қолдиришни, қолаверса, шунчаки оёқ изларини эмас, ёрқин из қолдиришни истади ва у бунга тўла-тўқис ҳақли, чунки инсон бутун Ер юзида, ҳатто балки бутун Коинотда ҳам якка-ю ягона қилиб яратилган.

Масалан, шу вақтгача Ер юзида яшаб ўтган 90 миллиард одамнинг биронтасида ҳам сизнинг бармоқ изларингиз, кўзларингиз қорачиғидаги ва тилингиздаги расмга ёки қонингизнинг молекуляр тузилишига ўхшагани бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмайди.

Агар нимага шундай эканлигини жиддий ўйлаб кўрсангиз, ўзингизга нисбатан бўлган муносабатин-

гиз сал бўлса ҳам ижобий томонга ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Гарчи ёшликда «пўчоқ» кўпроқ аҳамиятга эга бўлса-да, ҳаётнинг, умрнинг «мазасини» меванинг мағизи белгилайди.

Ўзингизга маъқул бўлганини танлаб олиш унчалик қийин эмас, чунки биринчидан, агар 18 ёшга кирган бўлсангиз, демак 18 йиллик ҳаётий тажрибага эгасиз; иккинчидан, меваларнинг фарқини яхшироқ биладиган камида иккита боғбон (яъни ота-онангиз) сизнинг ёнгинангизда, лекин яхшилаб қарасангиз, атрофингизда «боғбондан» кўп одам йўқ.

Шундай бўлса ҳам, «дид» масаласи жуда шахсий масала бўлганидан кейин, келинг, танлашни ўзимиз ўрганайлик.

Шошилма, қизгина, шошилма... отагина



Ҳар бир эсли-хушли одам ўзи билмаган, нотаниш одамга мўмайгина пулни ишониб топширишдан олдин унинг кимлигини, қандай одам эканлигини яхшилаб сўраб-суриштиради, бу оддий ҳол. Лекин, наҳотки, турмушга чиқаётган қизнинг ёки уйланаётган йигитнинг бутун келажак ҳаёти шу пулдан қадрсизроқ бўлса?

Ишонишдан олдин суриштириш қийинми?

– Қийин эмас, гап нимани суриштиришда...

Асосий танловчи – қиз бола

Йигит қизни танлаган бўлса, эндиги асосий қарорни қиз бола қабул қилади. Хитой тилини бир кунда ўргатиб бўлмаганидек, бир китобга ҳаммага тўғри келадиган маслаҳатларни сиғдириш қийин. Қолаверса, ҳаёт ва бахтнинг китобий қўлланмаси йўқ. Бундай қўлланма тузишга уринишдан кўра, келинг, «Меҳмон-меzbон» ўйинини ўйнаймиз.

Маълумки, ҳар бир меzbон ўзида бор ноз-неъматларни дастурхонга қўяди, меҳмон эса хоҳлаганини ейди. Бугун бизнинг дастурхонимизга қўйилган таомларнинг ҳаммасини ейиш шарт эмас, шунчаки татиб кўринг. Чунки татиб кўриш бошқа, еб тўйиш бошқа... Марҳамат, меҳмон, «олиб ўтиринг»:

– одам ҳамма нарсадан чарчайди, ҳатто севгидан ҳам. Шунинг учун биргина қалбда жўш урган туйғулар устига уй қуришга уринманг,.. **танангизнинг фақат бир қисми билан қарор қабул қилиш ҳаётингиз учун хавфли!**

– тўйдан кейин келин учун «ажойиб» «сюрприз» – эри унинг учун «сюрприз» бу бўлиб чиқмаслиги. Шунинг учун танишув давридаги вақтингизни уни яхшилаб ўрганишга сарфланг;

– эркакдан кўрқманг, чунки уни туғилган кунидан бошлаб аёл: онаси, бувиси, амма-холалари, тарбиячилари, ўқитувчилари бошқариб келмоқда. **Агар дунёқарашларингиз бир-бирига мос бўлса, демак, сиз ҳам унинг учун бегона бўлмайсиз;**

– қиз билан учрашувга келган йигитнинг жим ўтириши – унинг ақлли эканлигидан далолат бермайди.

Шунга қарамай эркакнинг гап-сўзларини баҳолашда эҳтиёт бўлинг, **кўпроқ ҳатти-ҳаракатларига эътибор беринг;**

– одамнинг пулга, уни топиш усуллари ва сарфлаш масалаларига бўлган муносабати – никоҳнинг энг муҳим қирраларидан биридир. Чунки пул, **аниқроғи, уни қандай топиш ва ишлатишдан келиб чиқадиган оқибат-натижалар оиланинг барча томонларига тааллуқли бўлади;**

– эркак зоти кўпроқ инсонга, аёл зоти – фариштага хос. Эркак зотига **«Менга унинг нимаси ёқади?»** деган савол билан ёндошиш фариштани адаштириши мумкин, **«Уни нимаси учун ҳурмат қилишим мумкин?»** деган савол эса беҳато ўйлаб, тўғри қарор қабул қилишига йўл кўрсатади. Чунки **фаришта** оила қурганидан кейин, фақат **ҳурматга лойиқ одамни сева олади;**

– **«ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади».**

Келин-куёвлар бир-бирларига «ярашишлари» шарт эмас. Чунки ҳар бири «бу кийимни» бир умр кийиб юришига тўғри келади. **Тор пойафзал сизга ярашиб туриши мумкин, лекин у билан узоққа кетолмай-сиз.**

Мана, азиз меҳмонлар, борини сизга тортиқ этдик, сиз татиб кўрдингиз... Бировнинг мақтагани билан сизга маъқул таомни фақат сиз **ўзингиз танлашингиз мумкин.** Вақт ўтиши билан таом масаласида одамнинг диди ўзгариши мумкинлигини ҳам унутманг. Ота-онангиз қовоқ, шолғом ёки карамни мазза қилиб

ейишларига лабингизни бурманг, уларнинг диди ўзгарган, холос...

Фарқи қанча кўп бўлса, шунча яхши

Табиати бир-бирига ўхшамаган, ҳатто мутлақо қарама-қарши бўлган аёл ва эркак иттифоқ тузиб, оила қуришади.



Эркак қанчалик даражада «эркак», аёл қанчалик даражада «аёл» бўлса, яъни иккаласи ҳам ўз жинсига лойиқ сифатларини қанчалик даражада намоён этишга қодир бўлишса, оила шу даражада уйғун, мустаҳкам, бахтли бўлади.

Ҳақиқий эркак

Эркак киши ўзини, ўзлигини ақли ва касб-кори орқали намоён эта олади. Лекин эркакдан эркак кўп, ақлйдан ақлли, ҳунарлидан ҳунарли кўп ва уларга сизнинг ақлингизнинг кераги ҳам, қизиғи ҳам йўқ, ўзлариники ошиб-тошиб ётибди.

Гап шундаки, эркак оила ярата олмайди (унга қўйиб берсангиз, оилани ташлаб қочишга ҳамиша тайёр). **Эркак ўз фаолияти, меҳнати орқали оила қуриш учун шароит яратади.**



Энг муҳим масала ўша фаолият, меҳнат турини танлашда. Эркакка фақат ўзи севган ишигина жамиятда ўзини намоён этишга имкон бериши мумкин. Чунки, эътибор берган бўлсангиз, ўзингиз севган иш билан шуғулланганингизда вақт ўтганини ҳам, чарчаганингизни ҳам билмай қоласиз, ўзингизда шунча куч-ғайрат қаердан пайдо бўлганлигига ҳайрон бўласиз.

Фақат зарурат туфайли, шунчаки тирикчилик қилиш учун қилинадиган иш барака олиб келиши қийин, баракали бўлган тақдирда ҳам, кишига ўз меҳнатидан қониқиш ҳиссини бермайди; одамни ҳар томонлама чарчатади, зўриқтиради.

Этикдўзлик қилиб юрган ошпазнинг ҳам, гумма пишириб кун кўрадиган этикдўзнинг ҳам ҳаётига ҳавас қилиб бўлмайди. Чунки иккаласи ҳам зўриқиб, ўзини мажбурлаб ишлаш билан бир қаторда ўз қадрини ҳам ерга урган бўлади.

Масаланинг асосий томони ҳам бор: ҳар муюлишда иккитадан этикдўзни, учтадан ошпазни учратиш мумкин, лекин нимагадир этикдўзларнинг ҳаммасига ҳам қимматбаҳо пойафзал тикишга буюртма беришмайди, ошпазларнинг ҳаммасини ҳам халқаро учрашувлар иштирокчилари учун таом тайёрлашга чақиришмайди.

* * *

Қадим замонларда чекка қишлоқларнинг бирида уста-темирчи яшаган экан. Темирчи шу даражада моҳир уста экан-ки, ҳатто қўшни қишлоқлардаги

одамлар ҳам ўзларининг темирчиларига эмас, айнан унга буюртма беришар экан. Лекин унинг бир камчилиги бўлган экан. Онда-сонда май ичиб маст бўлар экан, маст бўлганидан кейин эса дуч келган одамни уриб, дуч келган нарса-ни синдириб, ҳамма ёқни вайрон қилар экан.

Охири устанинг бу қилиқларидан безор бўлган қишлоқ аҳолиси, унинг қўл-оёғини боғлаб қозининг олдига олиб бориб, жазолашини сўрашибди. Қози устани қамаб қўйиб эрталаб дорга осиб тўғрисида фармон берибди. Қишлоқ аҳолиси хурсанд бўлиб уй-уйларига тарқалишибди. Бироқ, ярим кечада қозининг уйига қишлоқнинг уч-тўртта оқсоқоли келиб, унга қишлоқ аҳолисининг илтимосига биноан шундай дейишибди:

– Темирчи ҳақиқатан ҳам жазога лойиқ, лекин бутун теваарак-атрофда унга ўхшаган қўли гул темирчи йўқ. Қишлоғимизда иккита сартарош бор. Келинг, қози бува, эртага дорга ўшалардан бит-тасини осиб қўя қолайлик...

Шу темирчининг номи тарихда қолиб кетмаганлигининг сабаблари кўп бўлса керак, лекин асосий сабаби, у ўз касби доирасида ўзи учун олий мақсад белгилаб олмаганлигида, десак бўлади.

Ҳамма ҳам тарихда қолишни истамаслиги мумкин, албатта, лекин **ўз касб-корида ўртамиёна мутахассис бўлиб қолишга рози бўлган эркак ўз қадрини билмаганлигидан далолат беради.**

Эркакчасига гаплашадиган бўлсак, ўртамиёна косибдан ўртамиёна эр чиқади. У ўз оиласидаги вазифаларни бажаришга кучи етмайди ва ҳар қандай қийин вазиятдан чиқиб кета олмасликка ва бунда ўзини оқлашга етмиш хил баҳона топа олади.

Ўртамиёна одам ўзини ўзи: «Бошқалардан қаерим кам?...» деган савол билан юпатади...

Ҳақиқий эркакка: «Бошқалардан нима фарқим бор?...» деган савол тинчлик бермайди...

Ҳақиқий аёл

Ҳақиқий аёлни ахтариб юрманг, чунки ҳар бир аёл дунёга ҳақиқий аёл бўлиб келиб, то умрининг охиригача ҳақиқий аёл бўлиб қолади.

* * *

Бир жинни деворга катта мих қоқмоқчи бўлибди. Лекин михни тескарисига ушлаб, болға билан урмоқчи бўлиб турганида иккинчиси дебди:

– Ҳой жинни! Қўлингдаги мих бу деворники эмас, нариги деворники.

Яъни ҳар бир аёл ўзининг ҳақиқий аёллик сифат ва фазилатларини намоён этиши учун унга ҳақиқий аёлга

муносиб муомала қилиш керак, холос. Бошқача қилиб айтганда, гап аёлда эмас, гап «михни ушлаб турган жиннида»...

Бу жуда жиддий, ҳазилга ўрин йўқ

Рухшуносларнинг фикрича, одамларнинг шахсий ҳаётини издан чиқариб юборадиган, соғлигини емирадиган, бир-бири билан бўлган муносабатларни бузадиган каттаю-кичик муаммоларнинг илдизи ҳар бир одамнинг бошқаларга, ҳаётга бўлган муносабатига эмас, айнан ўзига бўлган муносабатига бориб тақалар экан.



Қизиғи шунда-ки, «Сен ўзингни севасанми, ҳурмат қиласанми, қадрлайсанми?» деган саволга ҳеч қачон, ҳеч ким «йўқ», деб жавоб бермайди. Ҳамманинг жавоби бир хил:

– **Албатта, ўзимни севаман** («айрим жиҳатларимни айтмаганда», – деб ноз ҳам қилиб қўйишади), **ҳурмат қиламан ва қадрлайман!**

Кейин айримлар ўзларининг доноликларини ҳам билдириб қўйишади: «Ўзини ҳурмат қилган одам бошқаларни ҳурмат қилади!»

Кимдир Маҳтумқули билан шахсан таниш эканлигини намойиш этади: «Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини на билсин?..»

Ишқилиб, ҳар бир одам ўзини севади, ҳурмат қилади ва қадрлайди,.. аниқроғи, шундай деб ҳисоб-

лайди,.. ундан ҳам аниқроғи, шундай деб ўзини-ўзи алдайди.

Тўғриси айтганда, одамнинг ўзига бўлган муносабати мавзуси яна қанчадан-қанча илмий изланишлар мавзусига айланиш навбатини кутиб турибди. Лекин, номзодлик ва докторлик диссертациялари ёзилгунча кутишни истамаган одам **жуда оддий саволлар устида ўйланиб кўриши мумкин.**

«Шу қизга уйланмасам (шу йигитга тегмасам), ўламан, менга ҳаётнинг кераги йўқ», дейдиганлар тўғрисида эшитгансиз, албатта...

Ишқ-муҳаббат можаролари туфайли ўз ҳаётидан воз кечганлар ҳам йўқ эмас. Хўш, **шундай одамлар ўзини севадими ёки ўз ҳаётини қадрлайдими?...**

Яна бир савол. Яқин одамларимиз ҳақида қайғуришда тенгимиз йўқ. Фарзандимиз ёки кекса ота-онамиз учун барча зарур шароитларни яратишга ҳаракат қиламиз. **Лекин ҳақиқатан ҳам ўзи тўғрисида қайғурадиган, ўз қадрига етадиган одамларга хос бўлган хатти-ҳаракатлар сиз учун ҳам одатга айланганми?** Масалан, улар:

- *вақтида овқатланадилар;*
- *вақтида дам оладилар;*
- *биринчи навбатда шахсан ўзларига зарур бўлган нарсаларни сотиб оладилар;*
- *ўз соғлиқларига жиддий эътибор берадилар (бадантарбия билан шуғулланадилар, ҳар йили шифокор кўригидан ўтадилар);*

– байрам ёки тўй муносабати билан эмас, балки шунчаки ўзларига «совғалар қилиб турадилар»;

– оила юмушларининг барини ўз елкаларига кўтариб олмай балки бошқа оила аъзоларига ҳам тақсимлаб беришга тортинмайдилар.

Ниҳоят, киши ўзини ҳурмат қилиши масаласига келганда, кўпинча, ҳамма бош қашишга тушади ва «Киши ўзини ҳурмат қилиши унинг қайси ҳаракатларида яққол кўринади?» деган саволдан кейин, ўртага сукунат чўқади. Лекин, биргина жавоб барибир чиқади:

– Чақирилмаган жойга бормайман... (шу гап, уларнинг фикрича, ўзини ҳурмат қилишидан далолат берар эмиш...)

Аммо аксарият ҳолларда бирортамиз, ҳақиқатан ҳам, ўзини ҳурмат қилишнинг шундан бошқа «далил-исботини» келтира олмай қоламиз.

Бундай ҳолда бошқаларга бўлган ҳурматимизнинг «қиймати» тўғрисида ҳар ким ўзича хулоса чиқаравериши мумкин. Лекин, қуйидаги мулоҳазаларни ҳаётий тажрибангиз тасдиқлаши эҳтимолдан ҳоли эмас:

«Кимнидир ўзидан ҳам кўпроқ яхши кўрган одам, охир-оқибатда ўша одамнинг нафратига дуч келади».

«Кимнидир ўзидан ҳам кўпроқ ҳурмат қилган одам, охир-оқибатда ўша одам томонидан ҳақоратланади».

«Кимнидир ўзидан ҳам кўпроқ қадрлайдиган одам, охир-оқибатда ўша одам томонидан хўрланади».

Учала мулоҳазани ҳам тушунишга бир калит бор:

«Ҳар қандай одам фақат ўзига раво кўрган нарсанигина бошқаларга бера олади».

* * *

Бир онанинг тўртта фарзанди бор экан. Ҳар куни кечқурун уларнинг ҳар бирига биттадан нон олиб келиб берганидан кейин, шундай дер экан:

– Болажонларим, менга ҳар бирингиз нонингизнинг ярмини берсангиз, бўлди... ҳаммасини ўзларингиз енглар, онанг балони есин.

Агар буюк туркман шоири Махтумқулининг юқорида келтирилган фикрини давом эттирадиган бўлсак, ўзини қадрлаган одам бошқаларнинг қадрига ета олади; ўзини ҳурмат қилган одам бошқаларни ҳурмат қила олади; ўзини севган одам бошқаларни сева олади.

Эътироз билдираман!: *Ахир бу ғирт худбинлик-ку! Муаллиф бизга умуман ёт бўлган ғояларни тиқиштирамоқчи, чёрт побери!..*

Ҳақиқатан ҳам бу гапларни осонгина худбинликка йўйиш мумкин, айниқса, ўтмишдаги «жамоа хўжалиги»

руҳида тарбияланганларга. Лекин гап шундаки, ҳар бир ҳақиқий худбин, яъни фақат ўзини ўйлайдиган, фақат ўз манфаатини ўйлаб иш тутадиган одам қалбининг тўрида ўзидан нафратланади, ўзини ҳурмат қилмайди, ёмон кўради («Умумий психология», XXV том, 247-бет).

Тўғриси айтганда, қандай «худбинлик» тўғрисида гап кетаётганлигини сиз ўзингиз ҳам яхши биласиз:

– *она болани эмизиш учун олдин ўзи тўйиб овқат ейиши керак;*

– *одамларни юқумли касалликдан даволашни истаяган шифокор ўзи соғлом бўлиши керак;*

– *фарзандларини яхши кийинишга ўргатмоқчи бўлган одам йиртиқ кийим кийиб юрмайди;*

– *юртини ҳимоя қилишга отланган лашкарбоши аскарларни асраш учун ўзини асраши керак;*

– *ва ниҳоят: қорнингиз тўқ бўлса, қўлингиздаги нонни бировга бергингиз келади, уч кундан буён туз тотмаган бўлсангиз, сиздан бу нонни куч ишлатиб ҳам олиб бўлмайди.*

Аёл ўзини севсин, Эркак ўзини қадрласин

Нафақат оилада, балки жамиятда ҳам, ҳаётда ҳам, ўзининг энг яхши қирраларини, ўзлигини намоён этиш учун аёл киши ўзини севса, эркак ўз қадрига етиб яшаса – шунинг ўзи етарли, десак муболаға бўлмайди.

Гап ўзини севиш, кадрлаш деганда, нимани назарда тутишда...

Аёлларга тушунарли бўлиши учун, гапни эркаклардан бошлаймиз.

Эркак «кўзи билан» севади

Аёл эса қулоғи билан ва бу гап ҳеч ким учун янгилик эмас.

Эрингиз чиройли аёллардан кўзини узолмай турганини кўриб, жиғибийрон бўлганмисиз?.. Ундан хафа бўлманг, бу иллатни фақат унга берган эмас, ҳатто ҳар бир кампирнинг чоли ҳам худди шундай... Сабаби, у эркак бўлиб дунёга келган ва токи қайтиб кетгунича худди шундай бўлиб қолади. Қарагани билан ҳам, унинг кўнглида ҳеч нарса ўзгармайди, чунки у шунчаки ўзини ҳамиша худди жаннатдагидай ҳис қилмоқчи бўлади: «Кўриш бор,.. ейиш йўқ...»

Тўғриси айтганда, аслида унинг «иштаҳаси» ҳам йўқ, шунчаки, «букрни фақат гўр тўғрилайди».

Аёл киши буни тушуниши жуда қийин, чунки **ҳар бир аёл фақат бир эркакни тан олишни, фақат бир эркакка ҳаётини бахшида этишни, ундан фарзандлар кўришни истайди.** Биринчи фарзандини туққанидан кейин, бегона эркак унда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайдиган бўлади, иккинчисини туққанидан кейин, унинг учун бошқа эркакларнинг хотинлардан фарқи қолмайди. («Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас», деган эркак бир иложини топиб, учига чиққан фоҳиша билан гаплашиб кўриши мумкин, бу гап ҳатто унга ҳам

тааллуқли эканлигини тасдиқлаб беради, ахир у ҳам аёл-ку...)

Шундай қилиб, эркакларга қайтамыз.

Ҳар қандай эркакни ҳар қандай аёлнинг қуйидаги томонлари ўзига ром этади:

- гўзаллиги;
- мулойимлиги;
- меҳрибонлиги;
- беозорлиги;
- очиқ юзлилиги;
- иффати.

Буларга яна эрни ром қиладиган хотинларнинг фазилатларини қўшимча қилиш мумкин:

- итоаткорлиги;
- ширинсўзлиги;
- пазандалиги;
- билимсизлиги...

Бу рўйхатни «Аёлнинг ташқи ва ички гўзаллиги», деб номласа ҳам бўлади. Тушунган аёлга шу рўйхатнинг ўзи кифоя қилса керак. Аслида эса ҳеч бир аёлга тушунтириб ўтиришнинг кераги йўқ, буларнинг барини у жуда яхши билади, шунчаки, кўп нарса унинг ихтиёрида эмас. Лекин барибир, яшаш шароитидан, моддий имкониятларидан ва ёшидан қатъий назар, ташқи ва ички гўзаллигини сақлаш масаласига ўзининг биринчи даражали вазифаси, деб қарайдиган аёл ҳақиқатан ҳам ўзини севади ва ўз атрофидаги яқин одамларининг ҳаётини меҳр-муҳаббати билан ёрита олади.

Ўзини севадиган аёл:

- кўчада эмас, уйда ясаниб юради;
- покизалигини, ҳаёсини, одобини, ширинсўзлигини авваломбор эрига намойиш этади;
- ўзига янги кийим-кечакни тўйга ва меҳмонга бориш учун эмас, эрига кўз-кўз қилиш учун, эрининг кўзини қувонтириш учун сотиб олади;
- пулни рўзғорга эмас, авваломбор ўзининг шахсий эҳтиёжларига сарфлайди.

Ҳар бир аёл худди гулдастага, бетакрор гулдастага ўхшайди... Ўзини севадиган аёл шу гулдастани супургига айланишига асло йўл қўймайди.

Мазза қилиб, аёлларга ақл ўргатдик, лекин...

«Лекин»и бор

Ота-боболаримиз оилада Эрни – Қуёшга, Хотинни – Ойга қиёслашган.

Осмондаги Ой Қуёшнинг нури туфайли чарақлаб туради, у ўзидан-ўзи чиройли бўлиб, гўзаллигини намойиш этолмайди, унга Қуёшнинг нури керак. Шу нуқтаи назардан, хотин кишининг ташқи ва ички гўзаллиги, асосан, эрининг ардоғи туфайли тўлин Ойга айланади. Унга эрининг топаётган пулидан кўра эътибори, диққати муҳим. У эрининг ташқаридаги қувончи ва ташвишларига шерик бўлишни ва ўз кечинмалари билан ўртоқлашишни истайди. Эрининг ишларига аралашиш аслида унинг хаёлига ҳам келмайди, унга шунчаки, эрининг эътибори керак, холос.

* * *

- *Дадаси, мен сиз билан жиддий гаплашиб олишим керак!*
- *Сен бошлайвер, ҳозир келаман...*

Эркак ўзини қадрласин

Шундай қилиб эркак бу – ҳимоячи. У оила турмуши учун масъулиятни ўз зиммасига олади ва барча ташқи муносабатлар масаласида эркак – етакчи, оиласида эса – бош. Аммо бу ҳимоячининг антиқа бир томони бор, эркак хотинини ҳимоя қилишга қодир бўлса ҳам лекин ўз хотинидан ўзи ҳимоялана олмайди. Чунки аёл эркакка ташқаридан эмас, ичкаридан таъсир қилади. Аёл эрига қанчалик кучли таъсир қилишини билганида эди, оиладаги кўпчилик келишмовчиликлар ва муаммолар бартараф қилинган бўларди.

Аёл норози бўлиши билан, айтайлик, шунчаки кайфияти йўқ, – шу заҳоти эрида муаммолар пайдо бўла бошлайди. Худди шунга ўхшаб, хотин ҳам ўз эридан ҳимоялана олмайди. Агар эрининг кайфияти ёмон бўлса, хотинида ҳам ички муаммолар пайдо бўла бошлайди.

Эр (ёки хотин) тажовуз ёки босим ўтказиш орқали иш тутган заҳоти иккинчи томон мутлақ ҳимояга ўтади: «ҳеч нарсани эшитишни истамайман», «тушунишни истамайман», «йўқол», «нафратланаман». Чунки эрхотинлар бир-бирига берадиган оғир азобдан жуда қаттиқ хафачилик пайдо бўлади. Муҳаббат нафратга айланади. Чунки оилада куч ишлатиш ўтмайди, иш

бермайди. Шунинг учун эр-хотинлар бир-бирининг ишончини, ҳурматини қозониши орқалигина ораларидаги меҳр-муҳаббатни сақлаб, унинг мустаҳкамланишига эришадилар. Бунга эса фақат ҳар ким ўзининг вазифасини бажариши орқалигина эришиш мумкин: Эркак – эр вазифасини, Аёл – хотин вазифасини.

Эрлик вазифасини муносиб бажариш учун эркак, авваламбор, жамиятда муносиб ўрин эгаллаб олиши, ўз касб-кори, ҳунари орқали одамларнинг ҳурматини қозониши керак бўлади.

Ҳар бир ўғил болада 72 хунардан 40 тасини эгаллаш имкони бор. Агар йигит киши қирқта хунардан биттасининг ҳақиқий устасига айланса, бу унинг бу дунёга беҳудага келмагани бўлади. Бунинг учун эса Эркак ўз соғлиғининг, ўзига тегишли вақтининг, ўз қобилиятларининг қадрига етиши кифоя қилади.

Велосипеднинг энг муҳим қисмини биласизми?

Велосипеднинг биронта ҳам «иккинчи даражали», қисми йўқ. Агар унинг ғилдираги, рули, занжири ёки педали бўлмаса – бу велосипед эмас, шунчаки темир-терсак бўлиб қолади.

Тўғри, агар масалан, унинг эгари бўлмаса ҳам, ҳайдаш мумкин, лекин... узоққа кетолмайсиз.

Шу нуқтаи-назардан соғлиқни ҳам велосипедга қиёслаш мумкин.

Ҳеч қаерингиз оғримаганда ҳам «мен соғломман» деб айтолмайсиз, чунки СОҒЛИҚ қуйидаги тўртта энг муҳим «қисмлардан» ташкил топади:

1. *Киши танасида ҳеч қандай оғриқ йўқлиги.*

2. *Ижтимоий бағрибутунлик, яъни:*

– *киши ўз ишини, касбини севиши;*

– *оила аъзолари билан ўзаро тотувлиги;*

– *етарлича моддий таъминланганлиги;*

– *теварак-атрофдаги одамлардан, юртидан, мамлакатидан мамнунлиги.*

3. *Кишининг ўзидан мамнунлиги. («Мен ўзим учун кимман?» деган саволга тўғри жавоб бера олиши.)*

4. *Дунё ва ҳаётга нисбатан бўлган муносабатидан келиб чиқадиган шахсий бағрибутунлик туйғусини сезиши.*

Агар шу «қисмлар»дан биттаси «носоз» бўлса, «соғлиғингиз велосипеди» ҳамиша таъмирталаб бўлиб қолаверади.

Мана, инсон соғлиғининг асосий таркибий «қисмлари»ни ҳам билиб олдингиз. **Лекин бу билим сизга деярилик ҳеч қандай фойда бермайди.** Агар ундан ўзингиз учун фойдали хулоса чиқараман десангиз, унда арзимас бир иш қилишингизга тўғри келади, аниқроғи бир қарор қабул қилишингиз керак. (Айтмоқчи, дунёда қарор қабул қилишдан осон иш йўқ, айниқса, ўзингга эмас, бошқаларга тааллуқли бўлса. Шу билан бирга дунёда бундан қийин иш йўқ, агар бу қарор фақат ўзингга тааллуқли бўлса...)

Бу қарорнинг матни тахминан бундай бўлиши мумкин:

1. *Менинг соғлиғим учун фақат ўзим жавобгар эканлигимни тан оламан.*

2. Бугундан эътиборан, мен соғлиғимнинг ҳар бир «қисми»ни ҳар кун «тозалаб», «мойлаб», «таъмирлаб туриш» мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамга юклайман.

20__ йил «__» _____
ИМЗО

Изоҳ: қарор матни билганлар учун – чин, билмаганлар учун – ҳазил...

Подшоҳларга осон деб ўйламанг...

Кўпчилик бор жойда одамларга кимдир бошчилик қилиши керак.

Одамларни бошқариш осон иш эмас, бу ишни ҳар ким ҳам эплай олмайди, гарчи бунга ҳамма интилса ҳам.

Бошлиғингиз ким бўлишидан қатъий назар, сиз унга бўйсунушга мажбурсиз ва бунинг сабаби жуда оддий. Бу одам сизнинг ҳаётингиз (масалан, армияда) ёки сиз қиладиган ишингиз натижаси учун масъулиятни ўз бўйнига олган.

Бошлиғингиз шахси тўғрисида сиз қандай фикрда бўлишингиздан қатъий назар, у сиздан «кучлироқ», чунки сизнинг эркингиз ҳеч бўлмаганда бутун иш вақти давомида унинг қўлида. Бошқача қилиб айтганда, **у сизнинг фаолиятингиз учун масъулиятни ўз гарданига олиши билан эркингизнинг маълум қисми унинг ихтиёрига ўтади.**

Энди бир нарсага эътибор беринг: бундан чиқдики, **ўз бўйнига маълум масъулият олган одам кўпроқ эркинликка эга бўлар экан.** (Шу ерда бемалол қошларингизни чимириб, пешонангизни тириштиришингиз мумкин, чунки ҳозирча ҳеч нарса тушунмадингиз.)

Гап шунда-ки, эркин одам бўлишни ҳамма истайди, (айниқса, уйланган эркаклар). «Масъулият» сўзи эса «мажбурият» сўзи билан ҳамоҳанг бўлгани сабабли уни ўз гарданига олиш ҳеч кимга ёқмайди, у ҳаммага ёқимли бўлган «ҳуқуқ», «ҳақ», «имтиёз», «текин» каби сўзларнинг мутлақо қарама-қаршисидир.

Лекин ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан, эр ва хотин ҳуқуқлари ҳам фақат маълум масъулият эвазига берилади. Маълум бир ишни бажариш масъулиятини ўз зиммангизга олсангизгина, сизга ҳақ беришади. **«Осон ерда ош қайда?»**

Мабодо, бирон нарсага осонгина эришган бўлсангиз, ишонаверинг, унинг кетидан «бирор нима қилиш» масъулияти бўйнингизга илинади.

* * *

- *Жонгинам, сизга бир фокус кўрсатайми?*
- *Майли, лекин кейин ўша фокусни ўзингиз боқасизми?*

Ҳатто меҳмондўстликни ҳам айримлар бировга маълум масъулият юклашнинг энг нозик турларидан бири сифатида кўришлари сир эмас. Турган гапки, ҳақиқий меҳмондўстликка бунинг алоқаси йўқ.

* * *

– *Меҳмонлар, (Худога шукур) кетаяпсизларми ёки (Худо кўрсатмасин) бизникида тунаб қоласизми?*

Биз яшаб турган дунёнинг қонун-қоидаларини «ишлаб чиқишда» биз иштирок этмаганмиз ва ҳеч ким биздан маслаҳат сўрамаган. Лекин **қонунлар** қандай бўлишидан қатъий назар, уларга амал қилган одамгина хайр топади.

Табиат қонун-қоидалари эса ҳар бир инсонни қуйидагилар учун шахсан ўзи масъул эканлигини белгилаб қўйган:

- **ҳаёти;**
- **соғлиғи;**
- **бошқалар билан муносабати;**
- **бойлиги.**

Агарда сиз ҳаётингизнинг айрим қирраларидан норози бўлсангиз ва бундай бўлишида кимнидир айбдор деб ҳисобласангиз (ота, она, ўқитувчи, эр, хотин, қариндош, маҳалла, давлат, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), демак, ўз эркингизни унга (уларга) бериб қўйган бўласиз. Алқисса, кимга нима ёқса, шуни танлайди. Лекин, масъулиятсизлик жудаям қулай нарса... чунки ҳар қандай ҳаётни оқлаш мумкин.

ҲАЁТ – Яратганга шукурки, ўз ҳаётини асраш истаги ҳар бир жонзотнинг вужудида инстинкт даражасида ўрнашиб қолган. Лекин ўз ҳаётини асраш билан бир қаторда, умрини хазон қиладиганлар ҳам оз эмас. Бу нарса ўз умрини нималарга сарфлаш маса-

ласига бориб тақалади. Танлаш эса ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

СОҒЛИҚ – агар яқинларингиздан бири ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланса, ичмаса, чекмаса, вақтида овқатланиш ва дам олишга эътиборли бўлса, унинг бу ҳаракатлари сизнинг соғлиғингизни мустаҳкамлаши мумкинми? – деган бемаъни савол устида ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли эмас. (*«Биров учун биров туш кўриб бермайди».*)

БОШҚАЛАР БИЛАН МУНОСАБАТ – (*Айтмоқчи, яқинларингиз ҳам «бошқалар» қаторига киради. «Хотин», «бола-чақа» – сизники, лекин улар «сиз» эмас.*) «Биров билан тил топишиш учун тилингни тийиб туриш керак», деган гап бор, лекин биргина доно маслаҳат билан муаммони ҳал қилиш учун ҳам маълум маънодаги донолик керак. Нодон доно билан тил топишиши қийин, доно эса нодоннинг тилини топа олади. Чунки дононинг ўзи ҳам бир вақтлари нодон бўлган, нодон эса илгари ҳеч қачон доно бўлмаган. **Шахсан сиз учун ким доно, сизми ёки бошқа(лар) ми?**

Агар ўзингизни доно ҳисобласангиз, демак бошқалар билан муносабатларингиз кўнглингиздагидек бўлишига шубҳа йўқ. Муносабатлар сизни қониқтирмаса, демак... «Абдужаббор.., сендаям бир гап бор...»

БОЙЛИК – бу меҳнат, фақат сизнинг меҳнатингиз. Айрим қамоқхоналарни ҳисобга олмаганда дунёнинг ҳеч бир бурчагида меҳнат таъқиқланмаган. Бойишни истаган меҳнат қилади, бир амаллаб кун кўришни истаган осон меҳнат ахтаради.

* * *

- *Хўжайин, маошимни оширмасангиз бўлмайди, уйланмоқчиман.*
- *Оширмайман, бунинг учун ҳали мендан бир умр миннатдор бўлиб юрасан.*

БАХТ – бу якун ёки натижа эмас, балки жараёндир. Масалан, юқоридагиларни тартибга солиш жараёни...

Подшоҳларга осон деб ўйламанг, улар жуда катта масъулиятни ўз зиммаларига олишган, шунинг учун ҳам подшоҳлардек яшашади.

ДИҚҚАТ!

Китоб ниҳоясига етди

Ҳурматли ўқувчи!

Сиз ўқиган китоб муаллифнинг «маҳсулоти» эмас.

Муаллифнинг хизмати Хоразм вилояти «Меҳригиё» аёллар марказининг «Оила психологияси» ўқув курсларида қатнашган юзлаб одамларнинг шахсий ҳаёт тажрибаларини умумлаштирган ҳолда, уни баҳоли қудрат китоб шаклига келтиришга уринишдан иборат бўлди.

Бизнинг семинар – тренингларда иштирок этган бетакрор ва ажойиб инсонларга ҳамда ёрдамчи тренерларимиз Моможон Саидова, Сарварбек Атажанов, Саломат Авезова ва Улболсин Хожакмедоваларнинг барчасига муаллиф чуқур, самимий миннатдорчилик билдиради.

Китобда кўтарилган барча масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билан «Меҳригиё» аёллар марказига мурожаат қилинг. (Хоразм вилоят, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 69-уй; Телефон: (+362) 226-58-34; e.mail: Urgench-yatra@rambler.ru)

Барча эътирозлар билан эса муаллифга мурожаат қилишингиз мумкин. (Муаллифнинг манзили ёки уни қандай топиш мумкинлиги аниқ кўрсатилмаганини тўғри тушунасиз деган умиддамиз.)

Бахтли бўлинг! Бунинг учун Сиз барча имкониятларга эгасиз. Ўз ҳаётингизда мўъжиза яратишга муносибсиз!

МУҶДАРИЖА

Нима учун одамлар оила қурадилар?	4
Нима учун жониворлар оила қурмайдилар?	4
20 ёшлик бола	5
Оила кимга кўпроқ манфаат келтиради: эркакками, аёлгами?	6
Парадокс	7
Хотин кишига эр нималар керак?	8
Оила қуриш учун нималар керак?	10
Оила қуриш учун уй керак!	12
Бошқотирма	16
Уйсиз хотин «уй бекаси» бўла олмайди	16
Яна бир бошқотирма	17
Иккаласи бир бутун, аммо.....	18
Ўғил бола – қиз бола	18
Эркак – аёл	20
Лирик чекиниш	25
Эркакларнинг гоҳида ўзлари ҳам англамайдиган сирлари.....	25
Аёлларнинг гоҳида ўзлари ҳам англамайдиган сирлари	28
Оилада эрнинг ва хотиннинг нечта вазифаси бор?	29
Лирик чекиниш «Қандай яшаётган бўлсанг шундай фикрлайсан»	31
Келинг, энди жиддий гаплашайлик.....	31
Хўш, Табиат эркак ва аёлнинг табиатини қандай қилиб яратибди?.....	32
Эркинликнинг бунга нима алоқаси бор?	34
Аёл киши кимга итоат этишни истайди?.....	37
Механика ва математика	39
«Аёлшунослик» энг ноаниқ фан	40
Мана шунақа аёл.....	41

Айтмоқчи, Эр ҳам Хотинни «имтиҳон» қиладими?	42
Аёл итоати отани ОТА қилади.....	43
Эрнинг иккинчи вазифаси.....	44
Дунёни ҳомиладор аёллар қутқаради.....	46
Касб танла йигит, касб!	48
Лирик чекиниш	48
Аёлнинг оиладаги иккинчи вазифаси.....	50
Эр-хотинларнинг деярлик бир хил учинчи вазифаси.....	52
Психология	54
Лирик чекиниш	56
Рашк – бу қўрқув	56
Рашкчи нимадан қўрқади?.....	58
Лирик чекиниш	60
Ҳар қандай назария исбот талаб қилади	61
Эскиларнинг гапи тўғри.....	66
Пўчоқ ва мағиз	68
Шошилма, қизгина, шошилма... отагина	70
Асосий танловчи – қиз бола.....	71
Фарқ қанча кўп бўлса, шунча яхши	73
Ҳақиқий эркак	73
Ҳақиқий аёл	76
Бу жуда жиддий, ҳазилга ўрин йўқ,	77
Аёл ўзини севсин, Эркак ўзини қадрласин.....	81
Эркак «кўзи билан» севади	82
«Лекин»и бор	84
Эркак ўзини қадрласин	85
Велосипеднинг энг муҳим қисмини биласизми?.....	86
Подшоҳларга осон деб ўйламанг.....	88

Адабий-бадий нашр

Шавкат РАЗЗОҚОВ

ОИЛА

(Ўйланиб уйлан, уйланиб ўйлан)

Муҳаррир	<i>У. Ражабова</i>
Дизайнер	<i>Ш. Шарипов</i>
Бадий муҳаррир	<i>У. Солиҳов</i>
Техник муҳаррир	<i>А. Салихов</i>
Мусахҳиҳ	<i>Ш. Набиходжаева</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>Б. Бабаходжаева</i>

Нашр. лиц. АИ №140. Босишга 01.02.2010-й. да рухсат этилди.
Бичими 60×84^{1/16}. «Arial» гарнитурда офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 5,58. Нашр-ҳисоб т. 3,36. Адади 5000 нусха.
Буюртма №32.

«Vektor-Press» нашриёти
100000, Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.

«Niso Poligraf» ШК да, босмахонасида чоп этилди
100182, Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро кўчаси, 41.